VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

46 (478) ● 2017 йил 8 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли Жиззах аҳли!

Бугун барчамиз жонажон Ватанимиз ҳаётидаги улкан воқеа муносабати билан қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида тўпланиб турибмиз.

Шу кунларда ўзбек халқининг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи ва беназир инсон Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланмоқда.

Кўп миллатли халқимиз бу улуғ инсоннинг азиз номини ёд этиб, унинг ўлмас хотирасига чуқур ҳурмат ва эҳтиром бажо келтирмоқда.

Шароф Рашидов ўзининг ноёб ақл-заковати, бой билим ва тажрибаси, меҳнатсеварлиги ва камтарлиги, юксак инсоний фазилатлари билан нафақат Ўзбекистонда, балки узоқ-яқин ўлкаларда ҳам катта обрў-эътибор қозонган эди.

Бу улуғ инсон, собиқ мустабид тузум даврида турли тазйиқ ва синовларга бардош бериб, халқимиз ва миллатимизга садоқат билан, ҳалол ва фидокорона хизмат қилди.

Умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам далага бориб, заҳматкаш ўзбек деҳқонлари орасида бўлганини барчамиз яхши биламиз.

Шароф Рашидов оддий халқ орасидан чиққан, ҳақиқий юртпарвар раҳбар эди.

У киши бир умр ўзи каби содда ва камтарин одамларга елкадош бўлиб, уларнинг дарду ташвишлари билан яшади. Уларга хизмат қилишни ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб билди.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам халқимиз манфаатини ўйлаб амалга оширган ана шундай савобли ишларини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди.

Минг афсуски, ҳаёт бу инсонга шундай мураккаб қисматни раво кўрдики, у юрагидаги барча орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ўз меҳнатининг ҳосилидан тўла баҳраманд бўлиш имконига эга бўлмади.

Аксинча, мустабид тузум ўзига садоқат билан хизмат қилган шундай улуғ инсонни охир-оқибатда турли туҳмат ва маломатларга дучор қилди.

Шароф Рашидов вафот этиши билан унинг хотирасини хўрлаб, қабрини кўчирдилар, оила аъзолари, қариндош-уруғларини, дўстлари ва шогирдларини қувғин қилдилар. "Пахта иши", "Ўзбек иши", "Рашидовчилик" деган бўҳтон гаплар билан у кишининг азиз номини, бутун халқимизни ёмонотлиқ қилдилар.

Фақатгина мустақиллик даврига келиб, Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов томонидан тарихий адолат тикланди – Шароф Рашидовнинг пок номи оқланди ва 75 йиллик таваллуд санаси юртимизда кенг нишонланди.

Биз бугун яқин тарихимизда бўлган ана шундай аянчли воқеаларни эслар эканмиз, мустақиллигимизнинг қадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт.

2-бет

## ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

### АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

Илдизлари мустаҳкам дарахт кўкка бўй чўзади. Тарихини билган, қадрлаган халқнинг мартабаси баланд, келажаги буюк бўлади.

Мамлакатимиз бутун дунёда ана шундай ҳурмат-эътибор қозонган. Ўтганлар руҳини шод этиш, хайрли ишларини эслаш ва улуғлаш миллий қадриятимизга айланган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларнинг, миллий ғурур-ифтихорнинг юксак намунаси бўлди.

6 ноябрь – Шароф Рашидов туғилган куни Жиззахда ушбу санага бағишланган тантанали тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Дастлаб эҳсон дастурхони ёзилиб, Қуръон тиловат қилинди.

Жиззах шаҳри марказида ўрнатилган Шароф Рашидов ҳайкалининг очилиш маросими бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, адабиёт ва санъат намояндалари, вилоят аҳли, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган юртдошларимиз, чет эллик меҳмонлар, ёшлар иштирок этди. Шароф Рашидовнинг фарзандлари, дўстлари, ҳамкасблари, шогирдлари ва бошқа яқинлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидовнинг ҳаёти ва фаолияти, юксак инсоний фазилатлари, халқимиз манфаатлари йўлидаги буюк хизматлари ҳақида сўз юритди.

2-бет



### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлашни яхшилашга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, фармацевтика тармоғидаги ишларнинг мавжуд ҳолатини ўрганиш тиббиёт муассасалари ва аҳолининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари билан таъминланиши устидан тизимли мониторинг ва назорат, давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида тиббиёт техникаси ҳолатининг лозим даражадаги ҳисоби ва таҳлили мавжуд эмаслигини кўрсатди.

Фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича фаолиятини лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаяпти.

Деярли тайёр маҳсулот бўлган импорт хом ашёсидан фойдаланган ҳолда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқаришнинг кенг тарқалган амалиёти ҳамда технологик жараёнларнинг паст даражада эканлиги юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўсқинлик қилмоқда.

Фармацевтика фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминланганлик даражасини янада ошириш, уларнинг ишлаб чиқарилиши, олиб кирилиши ва сотилишини мувофиқлаштиришнинг ягона тизимини жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) ташкил этилсин.

3-бет

**Фракция ҳаёти**

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ЎзМТДП ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



*Мамлакатимизда ҳар бир соҳа ва йўналишга Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар соҳалар ривожида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис бюджет маблағларини мақсадли сарфлаш, унинг самарадорлигини таъминлаш, жамият ривожи, аҳоли фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи соҳаларга етарли даражада йўналтириш – долзарб вазифа. Давлат бюджети ижросини назорат қилишда парламент алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда парламент қуйи палатасида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2017 йил тўққиз ойлик ижроси қизғин муҳокама қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг жорий йил тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботи партиянинг дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилди.*

4-бет

**Муносабат**

***Шу йилнинг 3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишида белгиланган вазифалар, назарда тутилган чора-тадбирлар барча ҳунармандларни қувонтирди, шу билан бирга, уюшмамиз зиммасига катта масъулият юклади.***

## ҲУНАРМАНДЛАР ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Бугун мамлакатимизда барча тармоқ, хусусан, миллий ҳунармандчилик соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Юртимизнинг ҳар бир ҳудудида ҳунармандчилик марказларининг ташкил этилиши, ҳунармандларнинг замонавий уй ва устахоналарга эга бўлиши миллий ҳунармандчилик ривожини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмасининг ташкил этилиши, ўз навбатида, йўқолиб бораётган қадимий ҳунарларни қайта тиклаш, халқ усталари меҳнатини юзага чиқариш, уларни асраб қолиш, тарғиб этиш, "уста-шогирд" мактаблари асосида ёшларга ҳунар ўргатиш, миллий маданиятимиз ва амалий санъатимизни тарғиб этишда муҳим қадам бўлди. Ўтган йиллар давомида миллий ҳунармандчилигимиз тамоман янгича қиёфа касб этди. Республиканинг барча ҳудудида фаолият кўрсатаётган амалий санъат усталари ва ҳунармандларнинг ягона уюшма атрофида бирлашиши ўзаро тажриба алмашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларини мамлакатимиз ва хорижда кенг намойиш қилиш имкониятини яратди.

4-бет

**ЎзМТДП: устувор вазифалар**

## МУАММО, ЕЧИМ, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

### ХИВА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИ ВА УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасида сиёсий партиялар ўзининг сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, сиёсий партияларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари, партиялар қошида ташкил этилган "Ёшлар қаноти"нинг фаолиятини танқидий баҳолаб, ёшларимизнинг гоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондиришда ташаббус ва амалий ишлар камлигини алоҳида таъкидлади.***

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси билдирилган танқидий фикрлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда мавжуд ҳолатни чуқур ўрганди, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида партия чора-тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди, ушбу чора-тадбирлар Дастурининг ҳудудлардаги ижросини ўрганиш юзасидан тегишли ишчи гуруҳ ташкил этди.

5-бет

**Хиёбон**

## "ШУНЧАКИ ЁЗМОҚ БУ — ШОИРГА ЎЛИМ..."

### ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА БИЛАН СУҲБАТ

*"Қон аслан ёруғлик. Ёруғлан, тиз чўк.*
*Асл мард Ватанга тиз чўкиб ўтар.*
*Қанча қонинг бўлса, Ватан учун тўк,*
*Қанча шонинг бўлса — Ватанни кўтар!".*

Сўзлар қалбдан чиқса, қалбга сингади. Ҳақиқий шоирлар шунчаки ёзмайдилар. Асл ижодкорнинг бундан кўнгли тўлмайди, шунчаки ёзмоққа унинг қўли бормайди. Чунки "шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди шунчаки ёзмоқ, бу — шоирга ўлим!".

Балки шу боис Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева шеърлари, мана, орадан қирқ йил ўтса-да, ҳамон тиллардан тушмаган, дилларда қойим.

Ўтган даврда шоиранинг ўн беш номдаги шеърий тўплами, бахшиёналари, кейинги йиллардаги шеърлари, инжу доналари — тўртликлари чоп этилди. 2012 йилда саккиз юздан ортиқ шеърлари, 300 дан кўп тўртликлари жамланган "Буюк қушлар" китоби босилди.

Ўз шеърлари билан ўзбек аёлига поэтик ҳайкал қўйган шоиранинг ҳеч бир шеърини шунчаки ўқиб бўлмайди. Ҳар мисраси киши қалбидаги туйғуларни жўштиради, ҳаётга ишончни оширади, инсон номига муносиб бўлиб яшашга ундайди. Севимли шоирамиз билан таҳририятимиз "Хиёбон"ида бўлган мароқли ва сермазмун суҳбат ҳам унинг бетакрор сатрлари каби шунчаки бўлмади...

8-бет

MILLIY TIKLANISH — МАМЛАКАТИМИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ!

"Milliy tiklanish" газетасини www.milliytiklanish.uz сайтида ҳам ўқинг!

газетамизга обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
46 (478) 2017 йил 8 ноябрь, чоршанба

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА ШАРОФ РАШИДОВ ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Шароф Рашидов республика раҳбари сифатида зиммасидаги улкан вазифаларга қарамасдан, ўзи бутун борлиғи билан севган адабиётга ҳамиша содиқ қолди.

У ўзининг бетакрор истеъдоди билан эзгу қадриятларни тараннум этган роман ва қиссалар, шеър ва достонлар, публицистик мақолалар яратди.

Рус тилини мукаммал эгаллаган, бу тилда бадиий асарлар ёзиш салоҳиятига эга бўлган бу улкан адиб айнан ўзбек тилида ижод қилди. Шу тариқа, ўша пайтдаги мураккаб идеологик тазйиқларга қарамасдан, миллий адабиётимиз, аввалambор, она тилимиз ривожига қўшган катта хиссаси ҳар томонлама ибратга муносибдир.

Шароф Рашидовнинг "Икки дил достони" деган гўзал асарини ҳаммамиз севиб ўқиганмиз. Менинг назаримда, чинакам севги ва садоқат достони бўлмиш бу асарда Шароф ака ва у кишининг меҳрибон рафиқаси, оқила ва мунис ўзбек аёли Хурсаной опанинг ибратли ҳаёти ва тақдири мужассам бўлгандек туюлади.

Ҳақиқатан ҳам, бу матонатли аёл умр бўйи Шароф Рашидов билан ҳамнафас бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, энг оғир дамларда ҳам умр йўлдошига содиқ бўлиб яшади. Бундай бебаҳо фазилатлари билан бу муштипар опамиз халқимиз ўртасида чинакам вафо ва садоқат тимсолига айланди.

Шу ўринда яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтишни ўринли, деб биламан: Шароф ака ва Хурсаной опанинг берган таълим ва тарбияси, шахсий намунаси туфайли уларнинг оиласи, фарзандлари ўз ота-оналарига муносиб бўлиб, эл-юртга фидойилиги билан бу қутлуғ хонадон номини доимо пок сақлаб келмоқда. Бундай хислатлар кўп миллатли халқимиз, юртимиздаги барча оилалар учун ҳар томонлама ўрнак ва ибратга лойиқ бўлган маънавий ҳодисадир.

Қадрли ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Бугун биз ўзбек халқининг буюк фарзанди Шароф Рашидович Рашидовнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирар эканмиз, унинг номи ва ҳаёти Ватанимиз, халқимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ эканига яна бир бор амин бўлмоқдамиз.

Шароф Рашидовнинг мураккаб, шу билан бирга, шарафли ҳаёт йўлида ўзбек халқининг XX асрдаги тақдири ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Улуғ Ватан уруши бошланиши билан у биринчилар қаторида фронтга отланди ва душман билан курашда ҳақиқий мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатди. Оғир яраланганидан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, бор куч ва ғайратини аямасдан, турли лавозимларда ишлади.

Шароф Рашидов ўта машаққатли йилларда Ўзбекистонга қарийб чорак аср давомида раҳбарлик қилди. Унинг раҳнамолигида республикамиз иқтисодий тараққиёт, илм-фан, таълим ва соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида улкан муваффақиятларга эришди.

Минглаб гектар қаровсиз ерлар ўзлаштирилди. Ўзбекистон харитасида янги шаҳар ва қишлоқлар пайдо бўлди, юзлаб завод ва фабрикалар қурилди, боғу роғлар барпо этилди. 1966 йилдаги кўплаб вайронагарчиликлар келтирган зилзиладан сўнг қисқа муддатда замонавий Тошкентнинг мустаҳкам ва жамоат арбоблари, олимлар, маданият ва санъат намояндалари борлигини таъкидлаш лозим.

Биз, шунингдек, Шароф Рашидовни яхши таниган ва яқиндан билган муҳтарам меҳмонларимизни самимий қутлашдан мамнунмиз.

Булар учувчи-космонавтлар — ватандошимиз Владимир Жонибеков ва Солижон Шарипов, таниқли селекционер олим Иван Кузьмин, Шароф Рашидов ҳақидаги қатор китоблар муаллифи, ёзувчи Фёдор Раззоқов ва бошқалардир.

Қадрли меҳмонлар, Шароф Рашидовнинг хотирасига бўлган ҳурмат ва эҳтиромингизни биз аввало бутун Ўзбекистон халқига бўлган ҳурмат ва эҳтиром ифодаси сифатида қабул қиламиз.

Барчангизга самимий миннатдорлик билдириб, чин қалбимдан мустаҳкам соғлик, бахт ва омад тилайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Бундан бир йил муқаддам халқимизнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, Шароф Рашидовнинг 100 йиллик таваллуд тўйини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаш, у киши туғилиб камолга етган мана шу заминда муҳташам ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилган эдик.

Шу асосда Жиззах туманига Шароф Рашидовнинг муборак номи берилгани халқимиз томонидан катта хурсандчилик билан кутиб олинди.

Ўтган қисқа вақт давомида ушбу мажмуада Жиззах аҳли, бутун республикамиздан келган қўли гул усталар, қурувчи ва меъморлар, мутасадди ходимлар сидқидилдан меҳнат қилдилар. Натижада бу ёдгорлик мажмуаси табаррук зиёратгоҳга айланганига бугун барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу ишга муносиб ҳисса қўшган барча-барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Шулар қаторида Шароф Рашидовнинг хотирасини абадийлаштириш, бу улуғ инсон ҳақидаги тарихий адолатни тиклаш мақсадида янги илмий ва бадиий асарлар, мақола ва хотиралар ёзган, спектакль ва фильмлар, ҳайкаллар яратган ижодкор зиёлиларимизга ҳам чин қалбимдан ташаккур изҳор этаман.

Ишончим комил, бу гўзал масканга қадам қўйган ҳар бир одам, аввалambор, ёшларимиз Шароф Рашидовнинг нурли сиймосида мард ва матонатли халқимизга хос олижаноб фазилатларни кўргандек бўлади.

Бу улуғ инсоннинг бетакрор тимсоли барчамизни Ватанни ҳақиқий фарзандлик меҳри билан севишга, унга ва ўзбек халқига садоқат билан хизмат қилишга даъват этиб туради.

Азиз дўстлар!

Ҳаммангиз яхши хабардорсиз, кейинги бир йил давомида юртимизнинг турли ҳудудларида Ибрат домла, Ибройим Юсупов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф сингари улуғ адибларимиз хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуалари, уларнинг номидаги ижод мактаблари барпо этилди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида куни кеча Жиззах шаҳрида миллий адабиётимизнинг улкан намояндалари – Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига қўйилган муаззам ҳайкал очилди. Уларнинг номи билан аталган хиёбон, ижод мактаби ва музей ўз ишини бошлади.

Бор-йўғи ўттиз беш йил яшаб, адабиётимиз осмонида чақмоқдек чақнаган нодир истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон ва атоқли шоира Зулфияхонимнинг ҳаёт ва ижод йўли ёш авлодимиз учун ҳар жиҳатдан ибрат намунасидир.

Ана шу ижод маскани ёшларимиз, энг аввало, мунис ва лобар қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, уларни Зулфияхоним каби вафодор, доно ва оқила, ўз юртига садоқатли инсонлар этиб тарбиялашда мустаҳкам замин бўлади.

Бу маънавият кошонасининг эшиклари нафақат Жиззах вилояти, балки бутун мамлакатимиз ёшлари учун очиқдир.

Бугунги маросимда иштирок этаётган сиз, азизлардан битта илтимосим бор: фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни мана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сирли дунёси билан ошно этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўларди.

Мен ишонаман, ушбу таклифимни Жиззах аҳли ва бутун халқимиз албатта қўллаб-қувватлайди.

Қадрли ватандошлар!

Муқаддас китобларимизда, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканига алоҳида урғу берилади.

Шароф Рашидов умр бўйи ўз халқига, барча соф ниятли инсонларга яхшилик қилиб, уларни улуғ мақсадлар йўлида бирлаштириб, эзгу ишларга сафарбар этиб яшади.

Бу олижаноб, донишманд ва бағрикенг инсон, қандай суронли синовларга дуч келган бўлмасин, юксак гуманистик ғояларга доимо содиқ бўлиб, халқимиз қалбида яхши ном, сўнмас хотира қолдирди.

Бугун Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасига кўрсатилаётган чексиз эҳтиром, ҳурмат ва иззат бу фикримни яна бир бор яққол тасдиқлаб турибди.

Муҳтарам дўстлар, қадрдонлар!

Буюк арбоб, улуғ инсон ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг охиратлари обод бўлсин!

Азиз фарзандларининг хотирасини ардоқлаб, руҳларини шод этиб яшаётган халқимиз доимо омон бўлсин!

Юртимиз ҳамиша тинч, осмонимиз мусаффо, эл-юртимиз фаровон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

# ЭЛНИ СИЙЛАГАННИ ЭЛ СИЙЛАЙДИ

## АТОҚЛИ ДАВЛАТ АРБОБИ ВА ЁЗУВЧИ ШАРОФ РАШИДОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Шароф Рашидов 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида туғилган. Жиззах педагогика техникуми, Самарқанд давлат университетининг филология факультетида ўқиган. Фаолиятини Самарқанд вилояти газетасида бошлаб, билим ва қобилияти юксаклиги боис университетнинг охирги курсида ўқиб юрган давридаёқ ушбу газетага муҳаррир бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан 1942 йил яраdор бўлиб қайтган. Ўттиз ёшида республиканинг ўша пайтдаги энг нуфузли нашри – "Қизил Ўзбекистон" газетасига муҳаррир этиб тайинланган.

Шароф Рашидов шоир, ёзувчи ва публицист сифатида танилган. Унинг "Чегарачи" достони, "Қаҳрим" шеърлар тўплами, "Икки дил достони" асари, "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин", "Ғолиблар" каби романлари шуҳрат қозонган. Атоқли адиб 1949 йил Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси этиб сайланган.

У 1959 йил Ўзбекистон раҳбари этиб сайланганида эндигина қирқ ёшдан ошган эди. Шароф Рашидов бу юксак вазифада қарийб чорак аср фидойилик билан ишлади.

Бу жуда мураккаб, зиддиятли давр эди. Шароф Рашидов шундай шароитда ҳам халқига фарзандлик бурчини адо этди.

Мирзачўл, Қарши, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши, миллионлаб гектар кўриқ ерларда боғ-роғлар ва озиқ-овқат экинларининг жой олиши узоқни ўйлаб амалга оширилган эди. Бу майдонлар бугун ҳам халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Шароф Рашидов раҳбарлиги даврида Ўзбекистон харитасида Навоий, Зарафшон, Янгиер, Гулистон ва бошқа ўнлаб шаҳарлар пайдо бўлди. Республиканинг барча ҳудудида қурилиш ва ободончилик ишлари авж олди. Жуда кўп иншоотлар – заводлар, фабрикалар, шифохоналар, олий ўқув юртлари, йўллар, мактаблар қурилиши, конларнинг очилиши у кишининг номи билан боғлиқ.

Бу даврда пойтахтимиз Шарқнинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Бу, айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин янада чирой очди. Тошкент метрополитени, "Истиқлол" санъат саройи, "Ўзбекистон" меҳмонхонаси, Тошкент телемунораси пойтахтимизнинг кўрки ҳисобланади.

Шароф Рашидов ниҳоятда камтар, очиққўнгил одам бўлган. Чўпон билан чўпондек, деҳқон билан деҳқон тилида гаплашган. Ҳар қандай шароитда одамларнинг қалбига йўл топа билган.

Атоқли давлат арбоби раҳбарлик борасида ҳам улкан мактаб яратган. У кишининг донолиги, дипломатлиги, одиллиги ва айни пайтда оддийлиги барча раҳбарларга намуна бўлган.

Шароф Рашидов ўта зиёли киши бўлган. Фарзандларига ҳам пухта сабоқ берган. У кишининг фарзандлари, невара-чевараларидан турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Шароф Рашидов вафотидан кейин республиканинг иқтисодий тараққиёти суслашди. Бу аввало ўша пайтдаги нотўғри сиёсат, қолаверса, халқ обрўли, тажрибали йўлбошчини йўқотганининг оқибати бўлди. Кучли раҳбарсиз, ҳимоячисиз қолган юртимиз ёвуз тажриба майдонига айлантирилди.

Албатта, у ўз даврининг фарзанди эди, ўша пайтдаги тузумга хизмат қилди. Аммо дунёдан ўтганида бу тузум унга хиёнат қилди. Хотирасини таҳқирлади, яқинларини таъқиб этди.

Республика раҳбарлигига Ислом Каримов келгач, барча туҳмат ва таъқибларни тўхтатди. Тарихий адолат тикланди. Унинг пок номи оқланди. Биринчи Президентимиз ташаббуси билан 1992 йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги кенг нишонланди.

Шавкат Мирзиёев маросимдаги сўзида яхшиликнинг мукофоти фақат яхшилик эканини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг эътибори билан элу юртимизга меҳнати сингган инсонларнинг ҳурмати жойига қўйилмоқда, ўтганлар хотираси улуғланмоқда. Кейинги бир йилда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Тошкент ва Самарқандда Ислом Каримов, Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Хоразм вилоятида Комилжон Отаниёзов, Қорақалпоғистонда Ибройим Юсупов, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф хотиралари абадийлаштирилди. Уларнинг номи билан аталадиган марказлар, ижодий мактаблар ташкил этилди. Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуаси очилди.

Юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги нишонланиши халқимизни бехад қувонтирди.

Жиззахда бу воқеага катта тайёргарлик кўрилди. Вилоят марказида Шароф Рашидов хиёбони янгидан барпо этилди. 3 гектардан зиёд майдон кўкаламзорлаштирилди. Ҳудудга Бельгиядан келтирилган тоғ қарағайи, қорақайин, лола дарахти каби 20 дан ортиқ дарахт турлари экилди. Диаметри 24 метр бўлган рангли фаввора қурилди.

Хиёбон тўрида қўр тўкиб турган "Ўзбекистон" меҳмонхонаси ҳам реконструкция қилинди. Унинг икки томонида жойлашган "Бўстон" ва "Наврўз" мажмуалари тўла таъмирланиб, йирик анжуманлар ўтказиш учун қулай шароитлар яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги О.Салимов, меҳнат фахрийси И.Жўрабеков, учувчи-космонавт В.Жонибеков, академик С.Рашидова Шароф Рашидов билан боғлиқ хотиралари, у кишининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлади.

Шароф Рашидов ҳайкалини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Шароф Рашидовнинг қизи Сайёра Рашидова очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Шароф Рашидов ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шавкат Мирзиёев юбилей арафасида қуриб битказилган Шароф Рашидов мемориал музейида бўлиб, бу ерда яратилган шароитлар ва экспонатлар билан танишди.

Музейга кираверишда Президентимизнинг "Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди", деган сўзлари битилган. Бинонинг ички ва ташқи қисми миллий меъморчилигимиз анъаналари асосида безатилиб, анжуманлар залида Шароф Рашидов фаолиятига доир фильмларни намойиш этиш имконияти яратилган.

Музейда атоқли давлат арбоби ва ёзувчининг ҳаёт йўли ва ижодига дахлдор 2 минг 700 дан ортиқ экспонат бор. Улар Шароф Рашидовнинг болалик даври, талабалик йиллари, муҳаррирлик даври, Ўзбекистонда чўл ва қўриқ ерларни ўзлаштириш, бунёдкорлик жараёнидаги фаол иштироки, ижтимоий-сиёсий ва адабий фаолияти ҳамда бошқа мавзуларга бағишланган ўнта бўлимга ажратилган.

Музей ёнига Шароф Рашидов ҳудудларга сафарлари чоғида фойдаланган поезд вагони ўрнатилган. Ундаги шароит ва буюмлар асл ҳолича сақланган.

Музей Шароф Рашидов ҳақида тўлиқ маълумот берадиган, у кишининг руҳини сезадиган жой бўлиши керак, деди давлатимиз раҳбари. Бу ерга ўқувчи-ёшларнинг мунтазам ташрифини йўлга қўйиб, турли тадбирлар ўтказиш зарур.

Шавкат Мирзиёев мемориал музей фахрий меҳмонлар китобига ўз фикр ва таассуротларини ёзиб қолдирди. Унда шундай сўзлар бор: "Халқимизнинг буюк фарзанди, атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов эл-юртимиз учун фидойи раҳбар, бетакрор ва беназир шахс эди...

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам эл-юртимиз манфаатини ўйлаб яшаган Шароф Рашидовнинг буюк хизматлари халқимиз хотирасида абадий сақланиб қолади.

Бугун Жиззах шаҳрида иш бошлаётган Шароф Рашидов мемориал музейи ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади, деб ишонаман".

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик мажмуасини бориб кўрди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 27 апрелда Жиззах вилоятига ташрифи давомида улкан шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш, асарларидаги эзгу тушунчалар моҳиятини ёшларга етказиш лозимлигини таъкидлаган эди.

Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, икки шоир номи билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернат ҳамда музей халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилган улкан эҳтиром намунаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 июндаги "Жиззах шаҳрида Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги она тили ва адабиёти фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб-интернатни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан мазкур мактаб-интернат учун 4 қаватли замонавий бино қуриб битказилди. Бу ерда яратилган замонавий шароитлар, 100 ўринли ётоқхона, ошхона, фаоллар зали ўқувчиларнинг муносиб таълим олишига хизмат қилади.

Жиззах шаҳридаги тарихий Хўжа Нуриддин мадрасасида адабиётимизнинг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг адабий меросини кенг тарғиб қилиш мақсадида музей ташкил этилди. Бунинг учун мадраса биноси тубдан таъмирланиб, тарихий кўриниши тикланди. Мадрасанинг гумбаз қисми сирланган кошин билан қопланди.

Музей экспозицияси мазмуни Президентимизнинг "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" асари ҳамда Ҳамид Олимжон ва Зулфия хиёбони, улар номи билан аталувчи мактаб-интернат ташкил этиш бўйича билдирган фикр-мулоҳазалари асосида шакллантирилган.

Давлатимиз раҳбари Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги хиёбон атрофини янада ободонлаштириш, музей фаолиятини такомиллаштириш, мактаб-интернат моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар берди. Шоирлар ҳайкали пойига гул қўйди.

Атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Жиззах вилояти мусиқали драма театри ҳам замонавий талаблар даражасида реконструкция қилинди.

Бу ерда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари жараёнида театр биносининг олд қисмига замонавий қоплама ва витраж ўрнатилди, йўлакларга керамик плиталар ётқизилди. Бино олдида фусункор фаввора, яшил майсазор барпо этилиб, ҳудудга ноёб манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилди.

Бинонинг иситиш тизими, ҳаво алмаштириш, электр, ичимлик суви тармоқлари янгиланди. 550 ўринли томоша залидаги ўриндиқлар, саҳнани ёритиш, овоз кучайтириш ускуналари янгисига алмаштирилди, грим хоналарида зарур шарт-шароит яратилди.

Президентимиз театр биноси билан танишар экан, ушбу замонавий санъат даргоҳи Шароф Рашидовнинг қутлуғ таваллуд санаси нишонланаётган кунда Жиззах вилояти халқига катта туҳфа бўлганини таъкидлади.

Мазкур санъат кошонаси фаолиятини вилоятнинг олис туманларида яшовчи одамлар ҳам сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев. Бунинг учун театр ижодий жамоаси салоҳиятини юксалтириш, бугунги замон даражасидаги саҳна асарларини қўйиш устида ишлаш зарур. Шу орқали одамларнинг театрга қизиқишини ошириш, уларнинг маънавиятини тарбиялаш лозим.

Театрнинг вилоят маънавий-маърифий ҳаётидаги ролини ошириш ҳамда самарали ишлашини ташкил этиш мақсадида 2018 йилга мўлжалланган намунавий дастур тузиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу дастурда ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун 7 қаватли уй-жой қуриш, актёр ва режиссёрларнинг малакасини ошириш, театрдаги ижодий муҳитни вилоятдаги мусиқа ва санъат мактабларига ҳам ёйиш каби масалалар эътиборга олинади.

Кунниг иккинчи ярмида Жиззах вилояти мусиқали драма театрида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаси ва концерт дастури бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Унда сенатор ва депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи-шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, адибнинг авлодлари, фахрийлар, ёшлар, адабиёт ихлосмандлари қатнашди.

Шароф Рашидов атоқли давлат арбоби бўлиш билан бирга, улкан сўз санъаткори, моҳир таржимон, инсон қалбининг зукко билимдони эди. Унинг ёшлик, баҳор, гўзаллик, эзгулик, Ватан меҳри тараннум этилган асарлари халқимиз қалбидан чуқур жой олган. Хусусан, "Кашмир қўшиғи", "Икки дил достони", "Дил амри" каби асарлари миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб жой олган, қатор асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган, спектакллар саҳналаштирилган.

Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллиги мамлакатимиз миқёсида катта тантана билан нишонланмоқда. Бу тадбирларда халқимизнинг улуғ адибни қанчалар ардоқлаши, унинг ижодий мероси, одамлар дардига малҳам бўлишдек ўзбекона сифатлари ва фазилатларини қадрлаши намоён бўлмоқда.

Бу адибнинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган хотира кечаси концертида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди. Унда юртимиз санъат усталари томонидан миллий ашула ва рақслар, жаҳон санъатининг энг сара асарларидан намуналар ижро этилди.

Ушбу куй-қўшиқлар қалбларда Ватанга муҳаббат, ҳаёт сурури туйғуларини жўш урдирди. Шароф Рашидов сўзи билан айтилувчи "Оламда гуллар яшар", "Ватан фидойиларига", "Дугоналар", "Ёр келур" қўшиқлари, Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг "Ўзбекистон", "Ёшлик чоғимда", "Кел, ассалом" шеърларига басталанган тароналар, халқ ашулалари, жаҳон санъатидан ижро этилган ария ва композициялар тингловчиларга бир олам завқ бағишлади.

Саҳна ортидаги улкан мониторда донишманд инсоннинг болалик ва ёшлик даврлари, уни вояга етказган ота-онаси сиймолари, Шароф Рашидовнинг она Ватанимиз, халқимиз ғурурини кўтариш, юртимизни обод этиш йўлида бутун борлиғини бағишлаган ҳаёти Президентимиз раҳнамолигида ардоқли адиб номини абадийлаштириш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар, бугунги дориломон ҳаётимиз акс эттирилган лавҳалар намойиш этилади.

Буларнинг бари ўз элига ва Ватанига фидойи инсоннинг халқимиз юрагидан муносиб жой олгани ва меҳрига сазовор бўлганини намоён қилади.

Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда давом этмоқда.

7 ноябрь куни Ўзбекистон Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни" мавзусида илмий конференция ўтказилади.

"Жиззах" эркин иқтисодий зонасида Франциянинг "Пежо Ситроен" гуруҳи билан ҳамкорликда автомобиль заводи барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Жиззах вилоятига ташрифи давомида мазкур замонавий корхона қурилиши билан танишди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 июндаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Ўзавтосаноат" АК ва Peugeot Citroen Automotive гуруҳи ўртасида эришилган келишув асосида барпо этилаётган ушбу қўшма корхона Ўзбекистон автомобиль саноатининг истиқболига хорижлик ишбилармонларнинг катта ишончи самарасидир.

Заводда йўловчи ва юк ташишга мўлжалланган "Пежо Эксперт" ва "Пежо Боксер" тижорат автомобиллари ишлаб чиқариш режалаштирилган. 600 иш ўрни яратиладиган корхона 2019 йил маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди.

Йилига 16 минг дона замонавий автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга корхона маҳсулоти ички бозордан ташқари МДҲ мамлакатлари, Эрон, Франция ва бошқа давлатларга экспорт қилинади.

Президентимиз қурилиш ишларини жадаллаштириш, сифат ва самарадорликка алоҳида эътибор қаратиш юзасидан тегишли топшириқлар берди. Шавкат Мирзиёевга бу ерда ишлаб чиқариладиган автомобиллар намуналари намойиш қилинди.

Шу ерда Марказий Осиёдаги энг йирик ойна ишлаб чиқариш заводи тақдимоти ҳам ўтказилди.

"Жиззах" эркин иқтисодий ҳудудида барпо этилаётган шишага чуқур ишлов бериш ва йирик ўлчамдаги шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 110 миллион АҚШ долларини ташкил этмоқда. Хитойнинг "Миньюань силу" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилаётган корхонанинг биринчи навбатини 2017 йил якунигача фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. 2019 йил сентябрь ойида корхона тўла қувватда ишлай бошлайди.

Президентимизга "Ўзқурилишматериаллари" АЖ томонидан Жиззах вилоятида 2017-2018 йилларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган истиқболли лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Абубакр ЎРОЗОВ,**
**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**
**ФАРМОНИ**

# ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат марказини;

Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институтини;

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институтини;

"Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институтини Агентликка бериш тўғрисидаги таклифи маъқулансин.

3. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари этиб белгиласин:

фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш орқали ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш;

фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкил қилиш, ички ва ташқи бозорларда юқори сифатли, рақобатбардош дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга ҳамда уларни жаҳон бозорига олиб чиқишга кўмаклашиш;

аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари, шу жумладан уларнинг маҳаллий ишлаб чиқарилган турлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш, шу асосда ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

фармацевтика тармоғи корхоналарининг асбоб-ускуналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашиш, чет эл инвестицияларини, шу жумладан хорижий ва халқаро молия институтларининг маблағларини кенг жалб қилиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини ишлаб чиқариш жараёнига инновацион технологияларни янада жорий этиш учун илмий-тадқиқот ишлари ўтказилишини ташкил этиш;

Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишда, шунингдек, уларга қатъий нархларни ўрнатиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва киритишда бевосита иштирок этиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга етакчи чет эл фармацевтика компаниялари билан ҳамкорликни ташкил этишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулот деб топиш учун мезонларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасаларида фойдаланилаётган тиббиёт техникаларининг ҳисоби ва реестри юритилишини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳолатини таҳлил қилиш;

давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг марказлаштирилган харидини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ижтимоий дорихоналари (кейинги ўринларда ижтимоий дорихоналар деб юритилади) тармоғини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишини таъминлаш;

фармацевтика тармоғига халқаро стандартларнинг жорий этилишини мувофиқлаштириш.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик мустақил юридик шахс ҳисобланади, ўз балансига, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳрга эга бўлади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор томонидан бошқарилади;

Агентлик директорининг Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда соғлиқни сақлаш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ўринбосарлари бўлади;

Агентлик директори мақоми, маиший, тиббий ва транспорт хизматлари кўрсатиш бўйича Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Агентликка қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мамлакат фармацевтика тармоғини ривожлантиришни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари бўйича ишини мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига тааллуқли бўлган масалалар бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ҳужжатлар, статистик маълумотлар, ҳисоботлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотларни сўраш ва олиш;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлаш;

Агентлик зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари ва ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий-таълим муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар, чет эл компанияларининг юқори малакали ходимларини ва мутахассисларни жалб қилиш;

фармацевтика тармоғини ривожлантириш масалалари бўйича хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан тўғридан-тўғри маълумот алмашиш;

фармацевтика тармоғининг эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш ва фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, уларни бошқариш масалаларини келишиш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш, ахборот материаллари, даврий нашрлар ва бошқа босма маҳсулотларни чиқариш ҳамда тарқатиш;

фармацевтика корхоналарини GMP қоидаларига мувофиқлиги юзасидан сертификациядан ўтказиш;

фармацевтика тармоғи мутахассисларининг малакасини ошириш.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда:

Агентликнинг ташкилий тузилмасини, Агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкилий-штат тузилмасини;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги низомни;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентлик фаолиятини молиялаштиришга маблағларни 2017 йилда асослантирилган ҳисоб-китоблар бўйича ажратсин ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети харажатларида назарда тутсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги икки ҳафта муддатда Агентликни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бино билан таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни белгиланган тартибда зарур алоқа воситалари, шу жумладан ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

10. Қуйидагилар:

а) "Ўзфармсаноат" ДАК аъзоларининг концерн мулки ва бошқа товар-моддий бойликларини Агентликка ўтказиш билан уни тугатиш тўғрисидаги;

б) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" республика ташқи иқтисодий давлат корхонасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг "O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда "O'zmedimpeks" ДУК деб юритилади) этиб қайта номлаш;

"Ўзмедлизинг" АЖнинг устав капиталидаги давлат улушини "O'zmedimpeks" ДУКга давлат улуши бўйича акциядор функциясини берган ҳолда оператив бошқарувга бериш тўғрисидаги таклифлари маъқулансин.

11. Белгилаб қўйилсинки, "O'zmedimpeks" ДУК:

молиялаштириш манбасидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмлари, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари учун тиббиёт техникалари ҳамда махсус тиббиёт автотранспортининг ягона етказиб берувчиси, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агент;

халқаро молия институтларининг кредитлари, грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортининг хариди бўйича тендер комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "O'zmedimpeks" ДУК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2018 йил 1 январга қадар муддатда ижтимоий дорихоналарни давлат соғлиқни сақлаш муассасалари (туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, қишлоқ оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари), давлат мулкида бўлган бўш турган бино ва иншоотлар негизида 2018 йил 1 декабрга қадар муддатда зарур ҳолларда капитал-таъмирлаш ишларини ўтказиб, кейинчалик уларнинг ҳамма жойда фаолият кўрсатишини таъминлаган ҳолда жойлашувини тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2017-2018 йилларда ижтимоий дорихоналарни тасдиқланган нормативларга мувофиқ равишда жиҳозлаш учун Бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасидан зарур маблағларни йўналтирсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда "O'zmedimpeks" ДУК буюртмалари бўйича давлат мулки бўлган иншоотлардан ва бошқа мулклардан бегараз фойдаланишга, шу жумладан ижтимоий дорихоналар ташкил этиш учун тақдим қилишни таъминлаб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари ҳисобидан ижтимоий дорихоналарни капитал таъмирлаш, шунингдек, муҳандислик инфратузилмаларини жойлаштириш, ҳудудларини ободонлаштириш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишга маблағлар ажратсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурида ижтимоий дорихоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши учун тасдиқланган ва экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ марказлаштирилган капитал маблағлар лимитларини ажратишни назарда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарори билан ташкил этилган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилсин.

Белгилансинки, Ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "O'zmedimpeks" ДУКнинг Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан келишилган таклифларига кўра белгиланади.

16. "O'zmedimpeks" ДУК 2023 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқ ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар тўлашдан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буюртмалари бўйича дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспорти етказиб бериш шартномалари юзасидан божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уч ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштиришни, қонунчиликка "in bulk" маҳсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ушбу Фармон талабларини ҳисобга олган ҳолда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини, шунингдек, дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг тартибга солинадиган нархларини белгилаш тартибини тасдиқласин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонларини тасдиқлаш тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонларини тасдиқланган кундан бошлаб дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш нуқтаи назаридан уларнинг ишлаб чиқарилишини технологик аудитдан ўтказсин;

дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини олиб кириш бўйича ягона логистика марказини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида яратилган лойиҳаларни бажариш гуруҳлари фаолиятининг самарадорлигини ўргансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ–5185-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фаолияти ва тузилмаси танқидий қайтадан кўриб чиқилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Мазкур ишлар жараёнида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджетни шакллантириш, тақсимлаш ва бюджет маблағларини сарфлашдаги мустақиллигини оширишни инобатга олган ҳолда соғлиқни сақлаш идоралари ва муассасаларининг молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

19. "O'zmedimpeks" ДУКга олиб кирилаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари, тиббиёт техникалари ва махсус тиббиёт автотранспортларини "O'zmedimpeks" ДУК раҳбарияти томонидан уларни сақлаб туришнинг зарур шарт-шароитларини таъминлаш бўйича мажбуриятларни қабул қилган ҳолда "вақтинча сақлаш" ва "божхона омбори" божхона режими остида шахсий ҳамда ижарага олинган омборларга жойлаштиришга истисно тариқасида рухсат берилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси бир ой муддатда "O'zmedimpeks" ДУКга Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Э.Мараимов кўчаси, 50-уйда жойлашган божхона омборининг бино ва иншоотини бегараз фойдаланишга ўтказсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги бир ой муддатда "O'zmedimpeks" ДУКни унга юклатилган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган бино ва хоналар билан таъминлаш бўйича таклифлар киритсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

23. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Н.Юнусходжаев ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори И.Б.Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 ноябрь

---

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Кейинги вақтларда аҳолини ва соғлиқни сақлаш муассасаларини арзон дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу билан бирга, ўтказилган ўрганишлар мазкур соҳада маҳаллий фармацевтика тармоғининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган айрим тизимли камчиликлар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунга қадар фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантиришнинг ягона стратегияси ишлаб чиқилмаган ҳамда маҳаллий фармацевтика корхоналарининг фаолиятини, шу жумладан тегишли маҳсулотларни аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг уларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш бўйича лозим даражада мувофиқлаштириш таъминланмаган.

Оқибатда бугунги кунда тармоқдаги маҳаллий корхоналар юқори сифатли ва рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш имконига эга эмас.

Масалан, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни таркибига кирувчи корхоналар умумий сонининг 19 фоизи фаолият юритмаяпти, 30 фоизининг ишлаб чиқариш фаолияти тайёр маҳсулотни қадоқлаш, ўраш ва ёрлиқ ёпиштириш билан чегараланган.

Ҳозирги вақтда дори ишлаб чиқариш учун импорт қилинаётган хом ашё умумий сонининг 23,4 фоизи тайёр маҳсулот ҳисобланади.

Маҳаллий фармацевтика корхоналарининг илмий-тадқиқот ишларини ўтказишга бўлган манфаатдорлиги мавжуд эмаслиги оқибатида "Ўзфармсаноат" концерни корхоналари томонидан рўйхатдан ўтказилган асл дори воситаларининг улуши бор йўғи 1,3 фоизни ташкил этади.

Тармоқдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон, сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари билан таъминлаш тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони билан мазкур маҳсулотлар нархини белгилаш механизмларини такомиллаштиришга, фармацевтика саноати корхоналари фаолиятини тартибга солишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилди.

Хусусан, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Шу билан бирга, "Ўзфармсаноат" концерни тугатилмоқда.

Агентликка фармацевтика тармоғини барқарор ривожлантириш стратегиясини, шу жумладан давлат-хусусий шерикликни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фармацевтика корхоналари ва ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, аҳоли ва давлат соғлиқни сақлаш муассасаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ҳамда тиббиёт техникалари билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича вазифалар юклатилди.

Шу билан бирга, Агентлик дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини, шу жумладан чет элдан импорт қилинаётганларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва сертификатлашни, фармацевтика корхоналарини тегишли ишлаб чиқариш амалиёти халқаро қоидаларга мувофиқлигини сертификатлаштиришни амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникалари экспертизаси ва стандартизацияси давлат маркази, Ўзбек кимё-фармацевтика илмий-тадқиқот институти, Тошкент вакцина ва зардоблар илмий-тадқиқот институти, "Шарқ табобати" илмий-тадқиқот институти Агентликнинг тасарруфига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "O'zmedeksport" давлат корхонаси "O'zmedimpeks" давлат унитар корхонаси этиб қайта номланиб, Агентликнинг тасарруфига ўтказилди. Бунда "O'zmedimpeks" Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ягона етказиб берувчиси этиб белгиланди, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш бўйича агенти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги ПҚ–2647-сон қарори билан ташкил этилган Даволаш муассасалари ва аҳолини дори-дармон воситалари билан таъминлашни назорат қилиш республика комиссияси унинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига юклаган ҳолда тугатилди.

Эндиликда ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхатига киритилган дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари учун қатъий нархлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Фармонда дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатга олиш, нархини белгилаш тартибини такомиллаштириш, қонунчиликка "in bulk" маҳсулотнинг аниқ белгиланган тушунчасини киритиш, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга эга дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг қатъий нархини белгилаш тартибига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббиёт техникаларини уларнинг халқаро ва миллий стандартларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда маҳаллий ишлаб чиқарилган маҳсулотлар деб топиш мезонлари, шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда давлат мулкида бўлган бўш турган бошқа бино ва иншоотлар негизида ижтимоий дорихоналарнинг жойлашуви тасдиқланади.

Умуман олганда, мазкур Фармон фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, шу жумладан маҳаллий дори воситаларининг халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилишини изчил йўлга қўйиш, асл фармацевтика ишланмаларини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон ва сифатли дори воситалари, тиббиёт буюмларига бўлган эҳтиёжининг тўлиқ қаноатлантирилишини таъминлайди.

Фракция ҳаёти

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ЎзМТДП ДАСТУРИЙ ВАЗИФАЛАРИ НУҚТАИ НАЗАРДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Фракция аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишни фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари Ёркин Турсуновнинг берган маълумотига кўра, ҳисобот даврида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 5,3 фоизга, саноат ҳажми 4,1, қишлоқ хўжалиги ҳажми 3,5, хизматлар ҳажми 6,4 фоизга ўсишига эришилган. Биргина тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасига 32 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб қилиниб, янги ва модернизация қилинган, замонавий 3 енгил саноат корхонаси ишга туширилди. Бунинг ҳисобига мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш борасида амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар натижасида 2017 йилнинг 9 ойи давомида Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ амалга



оширилиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорда профицит билан ижро этилган. Инфляция даражаси эса белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмаган.

— Фракциямиз аъзолари Давлат бюджетининг ҳар йилги лойиҳасини муҳокама қилишда ҳам, унинг ижросини кўриб чиқишда ҳам партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёндашиб, ўз таклифларини билдиради, — деди ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов. — Хусусан, биз партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда фан, таълим, маданият, спорт, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг янада кенгайтирилиши тарафдоримиз. Бунинг учун эса, албатта, Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтириб борилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, бу йил болалар спортини ривожлантиришга ҳар йилгидан кам маблағ йўналтирилган. Маданий мерос объектлари муҳофазаси учун эса 25 миллиард сўм ажратилган. Бу етарли даражада эмас. Юртимиздаги маданий мерос объектлари, тарихий обидаю муқаддас қадамжоларнинг асраб-авайлаб сақланиши, ободонлаштирилиши учун ажратилаётган бюджет маблағларини келгуси йилда бундан-да кўпайтиришни таклиф қиламиз. Боиси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни бор ҳолича сақлаш, тарихни тадқиқ ва тарғиб этиш, энг аввало, ёш авлод тарбияси, маънавий камолотида устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини тўла намоён этиш, туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Зеро, аждодларимиздан мерос тарихий манзиллар, кўҳна шаҳарлар юртимизнинг энг муҳим туризм инфратузилмаси ҳисобланади. Бу каби мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.



Фракция аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги, айниқса, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми, яъни 59,5 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга ажратилгани эътиборга молик. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Жорий йилда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 23,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. 2018 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, бу йилдан бошлаб 11 йиллик таълим жорий этилгани муносабати билан янги дарслик ва ўқув қўлланмалари учун 37 миллиард сўм маблағ ажратилди. Олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, ҳудудларда бир нечта янги филиаллар ташкил этишга ҳам муайян маблағлар йўналтирилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мавжуд 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари ва инновацион марказлар учун ҳисобот даврида Давлат бюджетида 171 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Фракция аъзолари жойларда аҳоли билан мулоқотлар, партия ижтимоий қатлами вакиллари билан учрашувлар давомида кўтарилган масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирди. Жойларда ички йўлларни таъмирлаш, маданият ва спорт марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, музейлар ва театрлар моддий-техник базасини бойитиш, соҳа ҳодимларини рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Қизғин кечган баҳс-мунозара, савол-жавоб ва билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

---

**Азамат ПАРДАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Яқинда фракциямиз аъзолари, партия фаоллари бир гуруҳ тарихчи олимлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари билан учрашиб, уларнинг муаммолари, таклифларини ўргандик, музей ва театрлар фаолиятидаги мавжуд масалалар билан яқиндан танишдик. Маълум бўлдики, мазкур соҳаларда талай муаммолар бор, музей ва театрлар фаолиятини ривожлантириш, тарихчи, санъатшунос олимларнинг илмий изланишлари, тадқиқот ишларини олиб боришлари учун зарур шарт-шароит яратиш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни моддий қўллаб-қувватлаш зарур. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармон, қарорларида маънавий-маърифий ишларни жадаллаштириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда бугун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фракциямиз партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб қувватлайди. Шунинг баробарида соҳага ажратилаётган Давлат бюджети маблағларини янада кўпайтириш, келгуси йилги Бюджетномада буни акс эттириш таклифини илгари суради. Зеро, бой тарихимизни ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, санъат ва маданиятимизни янада ривожлантириш ёш авлод тарбиясида, миллатнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда муҳим омил, саналади.

**Акмал УМРЗОҚОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Жорий йилги Давлат бюджети ижроси мамлакатимизни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашни таъминловчи аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биз партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда фан, таълим, маданият, спорт, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг янада кенгайтирилиши тарафдоримиз. Бунинг учун эса, албатта, Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтириб борилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, бу йил болалар спортини ривожлантиришга ҳар йилгидан кам маблағ йўналтирилган. Маданий мерос объектлари муҳофазаси учун эса 25 миллиард сўм ажратилган. Бу етарли даражада эмас. Юртимиздаги маданий мерос объектлари, тарихий обидаю муқаддас қадамжоларнинг асраб-авайлаб сақланиши, ободонлаштирилиши учун ажратилаётган бюджет маблағларини келгуси йилда бундан-да кўпайтиришни таклиф қиламиз. Боиси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни бор ҳолича сақлаш, тарихни тадқиқ ва тарғиб этиш, энг аввало, ёш авлод тарбияси, маънавий камолотида устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини тўла намоён этиш, туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Зеро, аждодларимиздан мерос тарихий манзиллар, кўҳна шаҳарлар юртимизнинг энг муҳим туризм инфратузилмаси ҳисобланади. Бу каби мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги, айниқса, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми, яъни 59,5 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга ажратилгани эътиборга молик. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Жорий йилда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 23,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. 2018 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, бу йилдан бошлаб 11 йиллик таълим жорий этилгани муносабати билан янги дарслик ва ўқув қўлланмалари учун 37 миллиард сўм маблағ ажратилди. Олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, ҳудудларда бир нечта янги филиаллар ташкил этишга ҳам муайян маблағлар йўналтирилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мавжуд 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари ва инновацион марказлар учун ҳисобот даврида Давлат бюджетида 171 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Фракция аъзолари жойларда аҳоли билан мулоқотлар, партия ижтимоий қатлами вакиллари билан учрашувлар давомида кўтарилган масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирди. Жойларда ички йўлларни таъмирлаш, маданият ва спорт марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, музейлар ва театрлар моддий-техник базасини бойитиш, соҳа ҳодимларини рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Қизғин кечган баҳс-мунозара, савол-жавоб ва билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

---

**Азамат ПАРДАЕВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Яқинда фракциямиз аъзолари, партия фаоллари бир гуруҳ тарихчи олимлар, санъат ва маданият соҳаси вакиллари билан учрашиб, уларнинг муаммолари, таклифларини ўргандик, музей ва театрлар фаолиятидаги мавжуд масалалар билан яқиндан танишдик. Маълум бўлдики, мазкур соҳаларда талай муаммолар бор, музей ва театрлар фаолиятини ривожлантириш, тарихчи, санъатшунос олимларнинг илмий изланишлари, тадқиқот ишларини олиб боришлари учун зарур шарт-шароит яратиш, бу борадаги саъй-ҳаракатларни моддий қўллаб-қувватлаш зарур. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қатор фармон, қарорларида маънавий-маърифий ишларни жадаллаштириш, маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, соҳа вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу асосда бугун муайян ишлар амалга оширилмоқда. Фракциямиз партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни қўллаб қувватлайди. Шунинг баробарида соҳага ажратилаётган Давлат бюджети маблағларини янада кўпайтириш, келгуси йилги Бюджетномада буни акс эттириш таклифини илгари суради. Зеро, бой тарихимизни ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, санъат ва маданиятимизни янада ривожлантириш ёш авлод тарбиясида, миллатнинг ўзига хослигини сақлаб қолишда муҳим омил, саналади.

**Акмал УМРЗОҚОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**



— Жорий йилги Давлат бюджети ижроси мамлакатимизни янада барқарор ривожлантиришни таъминлашга ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Шаҳар ва қишлоқ жойларда аҳоли турмуш шароитини янада яхшилашни таъминловчи аҳамиятли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, биз партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг тарзда фан, таълим, маданият, спорт, туризм соҳаларини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг янада кенгайтирилиши тарафдоримиз. Бунинг учун эса, албатта, Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга кўпайтириб борилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Масалан, бу йил болалар спортини ривожлантиришга ҳар йилгидан кам маблағ йўналтирилган. Маданий мерос объектлари муҳофазаси учун эса 25 миллиард сўм ажратилган. Бу етарли даражада эмас. Юртимиздаги маданий мерос объектлари, тарихий обидаю муқаддас қадамжоларнинг асраб-авайлаб сақланиши, ободонлаштирилиши учун ажратилаётган бюджет маблағларини келгуси йилда бундан-да кўпайтиришни таклиф қиламиз. Боиси маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, уларни бор ҳолича сақлаш, тарихни тадқиқ ва тарғиб этиш, энг аввало, ёш авлод тарбияси, маънавий камолотида устувор аҳамият касб этади. Қолаверса, бу мамлакатимизнинг мавжуд сайёҳлик салоҳиятини тўла намоён этиш, туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилади. Зеро, аждодларимиздан мерос тарихий манзиллар, кўҳна шаҳарлар юртимизнинг энг муҳим туризм инфратузилмаси ҳисобланади. Бу каби мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг янада тараққий этишига хизмат қилади.

Фракция аъзолари партия дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджети ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Давлат бюджети харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги, айниқса, ижтимоий харажатларнинг асосий қисми, яъни 59,5 фоизи таълим тизими муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга ажратилгани эътиборга молик. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, шарт-шароитларини яхшилаш, уларнинг қамровини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Жорий йилда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида ҳисобот даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 23,7 миллиард сўм маблағ ажратилди. 2018 йилги Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундан ташқари, бу йилдан бошлаб 11 йиллик таълим жорий этилгани муносабати билан янги дарслик ва ўқув қўлланмалари учун 37 миллиард сўм маблағ ажратилди. Олий таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш, ҳудудларда бир нечта янги филиаллар ташкил этишга ҳам муайян маблағлар йўналтирилиб, бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Илм-фанни ривожлантиришга, шунингдек, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида мавжуд 300 дан ортиқ илмий-тадқиқот марказлари, илмий-ишлаб чиқариш ташкилотлари ва инновацион марказлар учун ҳисобот даврида Давлат бюджетида 171 миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Фракция аъзолари жойларда аҳоли билан мулоқотлар, партия ижтимоий қатлами вакиллари билан учрашувлар давомида кўтарилган масалалар юзасидан ўз таклифларини билдирди. Жойларда ички йўлларни таъмирлаш, маданият ва спорт марказлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, музейлар ва театрлар моддий-техник базасини бойитиш, соҳа ҳодимларини рағбатлантириш, туризмни ривожлантириш борасидаги ишларни янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Партия сайловолди Платформасида кўзда тутилган экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларни тизимли давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Қизғин кечган баҳс-мунозара, савол-жавоб ва билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар асосида фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

---

Депутатлар ижтимоий тармоқда

# ОНЛАЙН МУЛОҚОТ, ЭЛЕКТРОН МУРОЖААТ

## ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИЛАР УЧУН ЯНГИ ИМКОНИЯТ ЯРАТМОҚДА

***Бугун ахборот технологиялари ва Интернет тармоғи имкониятлари кенгайиб бораётгани давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, масъул идоралар раҳбарлари билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, уларга электрон мурожаат юбориш имкониятларини яратди. Бу, ўз навбатида, аҳолини ўйлантираётган муаммо ва масалаларни ўз вақтида ҳал этишни, "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун", деган ҳаётий тамойилнинг рўёбга чиқишини таъминлайди.***

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида депутатларнинг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлари, аҳоли билан мулоқот қилиш, уларнинг мурожаатларини тинглаш ва ҳал этишдаги фаолияти, аҳоли билан онлайн мулоқотни йўлга қўйиш хусусида тўхталиб ўтган эди. Бу борада ўтган даврда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг "Facebook", "Instagram" ва бошқа шу каби ижтимоий тармоқларда расмий саҳифалари очилди. Ҳар бир халқ вакили сайловчилар, фуқаролар билан узвий алоқа ўрнатиб, уларнинг мурожаатларини, таклифларини ўрганмоқда.

Бу жараёнда сиёсий партияларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари, хусусан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, ижтимоий тармоқлардаги ўз саҳифалари орқали фуқаролар билан онлайн мулоқот қилмоқда.

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўз фаолияти давомида фуқароларнинг мурожаатларига алоҳида аҳамият қаратмоқда, — дейди ЎзМТДП фракциясининг ижрочи котиби Дониёр Эркинжонов. — Президентимиз илгари сурган вазифалар асосида бугун депутатларнинг фуқаролар билан мулоқот қилиш имконияти янада кенгайди. Фракциямиз аъзолари "Facebook" ижтимоий тармоғидаги саҳифалари орқали Қонунчилик палатаси ва фракция фаолияти ҳақида аҳолини мунтазам хабардор этиб бормоқда, жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларини ўз саҳифаларида эълон қилиб, аҳолининг таклифларини, фикр-мулоҳазаларини олаётир. Одамларни ўйлантираётган масалалар атрофлича кўриб чиқилмоқда. Айни пайтга қадар фракция аъзолари ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида мингдан зиёд ахборотларни жойлаштирган, кўплаб мурожаатларни ижобий ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Хусусан, жорий йил август-октябрь ойларида депутатларимизнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига 70 дан ортиқ мурожаат, 63 таклиф келиб тушган. Фракция аъзолари ушбу мурожаат ва таклифлар юзасидан ўз ваколатлари доирасида муайян ишларни олиб боришмоқда.

Дарҳақиқат, Интернет имкониятлари бугун ҳам аҳоли, ҳам ташкилот ва идоралар, халқ вакиллари учун кенг қулайликлар яратаяпти. ЎзМТДП фракцияси аъзолари бу имкониятдан самарали фойдаланган ҳолда партия электорати манфаатларига дахлдор масалаларга ечим топишга интилмоқда. Мазкур жараёнда фракция раҳбари Сарвар Отамуратов, шунингдек, Жолдасбай Абдижамилов, Алишер Қодиров, Акмал Жумабоев, Феруза Ибрагимова, Азамат Пардаев, Назир Собиров, Шерзод Қулматов, Илҳом Абдуллаев, Шуҳрат Тўхтабоев, Элдор Туляков каби фракция аъзолари фаол иштирок этмоқда.

Фракция аъзолари ўз электрон саҳифаларига келаётган мурожаатлар асосида жойларда кутубхоналар фаолиятини такомиллаштириш, ёшлар бандлигини таъминлаш, уй-жой ҳамда ер ажратиш, коллеж битирувчилари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, ўқув марказлари ташкил қилишга оид саъй-ҳаракатларга ҳисса қўшмоқда. Бунда тегишли ташкилот ва идораларга депутатлик сўровлари юбориш, депутатлик назорати институтларидан самарали фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, фуқароларнинг турли йўналишдаги саволларига ҳуқуқий тушунтиришлар берилмоқда. Ижтимоий тармоқ орқали энг чекка қишлоқлардаги маданий мерос объектларини муҳофаза этиш, уй меҳмонхоналарини ташкил қилиш каби масалалар депутатлик назоратига олинаяпти. Масалан, Наманган вилоятидаги "Чуст-Алмос-Гранд" МЧЖ раҳбари М.Раҳимовнинг банкка оид муаммоларни бартараф этиш бўйича қилган мурожаати депутат кўмаги билан ҳал этилган. Сурхондарёлик Д.Зокиров ўз мурожаатида Денов тумани кутубхонаси ишламаётгани ва ёпилиш арафасида эканлигини билдириб, ушбу зиё масканини сақлаб қолиш ва бойитиш масаласида кўмак сўраган. Бу ҳолат фракция аъзоларининг аралашувидан сўнг ижобий ҳал бўлди — кутубхона сақлаб қолиниб, унинг моддий-техник базасини янада яхшилаш масаласи депутатлар назоратига олинди. Бундан ташқари, чекка ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож, эҳтиёжманд оилалар фарзандларига 1 минг 300 дан ортиқ китоб бепул тарқатилгани диққатга сазовор. Фракция аъзоси Жолдасбай Абдижамиловнинг "Facebook"даги саҳифасига келган бир нечта мурожаатда қорақалпоқ тилидаги дарсликлардаги хатоликларни бартараф этиш, олий ўқув юртларига тайёрлайдиган ўқув марказларини Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам ташкил этиш, Ёшлар иттифоқи фаоллари учун қурилаётган уйларни олиш тартиби, давлат стипендиялари учун ўтказиладиган танловлар тартибини қайта кўриб чиқиш каби масалалар ўз аксини топган. Депутат ушбу мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берди.

Бундан ташқари, ижтимоий тармоқларда қонун лойиҳалари юзасидан ҳам онлайн мунозаралар ташкил этилаётир. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Кўп квартирали уй-жойлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар лойиҳалари фракция аъзоларининг ижтимоий тармоқдаги саҳифаларида кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилди. Қизғин мунозаралар жараёнида ўнлаб таклифлар билдирилди. Фуқаролар томонидан билдирилган таклифлар қонун лойиҳаларини такомиллаштириш, халқчиллиги ва ҳаётийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётир.

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг ижтимоий тармоқлардаги бу каби мулоқотлари, аҳолининг электрон мурожаатлари билан ишлаши мавжуд муаммоларни тезкор ва янада чуқурроқ ўрганиш, парламент ҳамда жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини амалга оширишга, партия электорати манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади. Шунингдек, қонун лойиҳалари юзасидан кенг жамоатчилик таклифлари ва фикр-мулоҳазаларини ўрганиш қонунчиликни такомиллаштириш, унинг ҳаётийлигини мустаҳкамлаш имконини беради.

**Муҳтарама РАМАЗОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

Муносабат

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижасида Риштон, Шаҳрисабз, Бухоро, Ғиждувон, Хива, Нурота, Шофиркон, Самарқанд, Ургут, Марғилон, Фарғона, Тошкент, Чуст, Шаҳрихон, Бойсун ва Мўйноқда кулолчилик, каштадўзлик, зардўзлик, заргарлик, кандакорлик, гиламдўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, абрли матолар тўқимачилиги, дўппидўзлик, пичоқчилик, миллий гилам тўқиш каби миллий ҳунармандчилик марказлари қайта тикланди ва вужудга келди.

# ҲУНАРМАНДЛАР ЭЪЗОЗ ТОПГАН ЮРТ

Бугунги кунда ҳунармандларимиз ички ва ташқи бозор учун минг турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаряпти. Бу маҳсулотлар сифати, бадиий жиҳатдан юксаклиги, табиийлиги ва миллий ўзлигимиз, тарихий анъаналаримизни ўзида уйғунлаштиргани билан аҳамиятлидир. Улар қайсидир маънода Ўзбекистоннинг ташриф қоғози ва туризм брендига айланди, десак муболаға бўлмайди. Тарихий қадамжолар ва бошқа диққатга сазовор гўшаларга ташриф буюраётган чет эллик сайёҳлар ҳунармандларимиз қўл меҳнати маҳсули бўлган мўъжизалар қаршисида лол қолаётгани барчамизни қувонтиради. Бозорларимизни безаб турган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ёшларимиз қалбида миллий маданиятимизга меҳр ва муҳаббат туйғуларини шакллантириш билан бир қаторда, уларда меҳнатга бўлган иштиёқни ҳам тарбиялаётгани шубҳасиз. Буни миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иштиёқида уюшмага аъзо бўлаётган ёшлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Бугунги кунда уюшма аъзоларининг 30 фоиздан ортиғини ёш ҳунармандлар ташкил этади. Бу эса миллий ҳунармандчилигимиз ишончли қўлларда, келажаги ёрқин эканлигидан далолат беради.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати вакилларини қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароит ва имконият яратиш борасида белгилаб берган вазифалари соҳа тараққиётини янада юқори босқичга кўтаришга хизмат қилади. Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатига кўрсатилаётган бундай юксак эътибор уюшмамизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига катта масъулият юклайди. Белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда уюшмамиз ҳамкор ташкилотлар, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари билан биргаликда фаолият олиб боради.

**Акобир ҲАКИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси халқ усталари, ҳунармандлари ва мусаввирлари "Ҳунарманд" уюшмаси раиси**

---

# ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

***Ҳунармандлик азал-азалдан аждодлардан мерос, ўзида миллий қадриятларимизни мужассам этган қадимий санъат турларидан бири ҳисобланади. Ота-боболаримиз ҳунармандчилик билан ҳаётимиз рўзғорига қут-барака киритган, турмушини обод, дастурхонини тўкин қилган, меҳнати ва яратган маҳсулоти билан одамларга наф келтирган.***

Мустақиллик йилларида миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш йўлида яратилган имкониятлар самарасида ҳунармандлик равнақига кенг йўл очилди. Бугунги кунда юртимизда ҳунармандликнинг 34 тури ривожланмоқда. Республика "Ҳунарманд" уюшмаси, жойларда эса унинг бўлимлари ташкил этилди. Бир пайтлар уста ва ҳунармандлар ўзлари яратган буюмларни сотиш, намойиш этишда турли тўсиқларга учраган бўлса, бугун ҳар бир туман ва шаҳарда ҳунармандлар марказлари фаолият юритмоқда, бозорлар ва савдо мажмуаларида махсус савдо расталари ташкил этилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида 3 ноябрь куни ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилгани ҳамда унда ҳунармандлар учун қатор имконият ва имтиёзлар белгилашга доир вазифалар қўйилгани бу борадаги амалий ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Йиғилишда халқ ҳунармандлиги ва амалий санъатини ривожлантириш, ҳунармандлар томонидан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, ҳунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш, ҳунармандлар марказлари фаолиятини кенгайтириш, улар ишлаб чиқарган маҳсулотларни харидорларга етказишни осонлаштириш бўйича берилган кўрсатмалар соҳа ривожида муҳим аҳамият касб этади. Президентимизнинг қўли гул усталарнинг ўз маҳсулотларини бозор ва супермаркетларда сотиши учун кенг имконият яратиш зарурлиги, хоҳласа ўз хонадонида дўкон очиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлари биз каби ҳунармандларни ўз устимизда янада кўпроқ ишлашга, "устоз-шогирд" анъаналарини давом эттириб, ҳунаримизни бундан-да бойитишга ундади, фаолиятимизга қанот бағишлади.

Мазкур йиғилишда илгари сурилган вазифалар Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг. Партия халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратишга кўмаклашади. ЎзМТДП фаоли сифатида бу йиғилишда белгиланган вазифаларни ўз фаолиятимга татбиқ этиш, имкониятлардан самарали фойдаланиб, юртимизда ҳунармандчилик соҳасини бундан-да ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишни мақсад қилдим.

**Абдулла НАРЗУЛЛАЕВ,**
**халқ депутатлари Ғиждувон туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, ҳунарманд**

ЎзМТДП: устувор вазифалар

# МУАММО, ЕЧИМ, ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР

## ХИВА ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, МИЛЛИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИК РИВОЖИ ВА УЮШМАГАН ЁШЛАР БАНДЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**

Шу йилнинг 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари партия Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова бошчилигидаги ишчи гуруҳ ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаолияти, миллий ҳунармандчилик ва туризм ривожи йўлида олиб борилаётган ишлар, бу борада партия вилоят кенгашининг ташаббуслари, турли ташқи кучлар таъсирида диний оқимга кириб қолган, уюшмаган ёшлар билан юзма-юз учрашиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш ҳамда партия тизимида бу борада олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида Хоразм вилоятида бўлди.

### Уюшмаган ёшлар билан ишлаш — давр талаби

Бугунги давр ёшларимизнинг ғоявий, мафкуравий эҳтиёжларини қондиришда ташаббус ва амалий ишлар кўрсатиш, улар қалбига қулоқ солиш, дардини тинглаш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак бериш, айниқса, уюшмаган ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу боис партия чора-тадбирлар Дастурида ёшлар билан тизимли ишлашни амалга ошириш юзасидан аниқ мақсад-вазифалар белгиланган. Ишчи гуруҳ вакиллари ана шундан келиб чиқиб Хива ва Урганч шаҳарларида турли ташқи кучлар таъсирида диний оқимга кириб қолган, уюшмаган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганди.

Айни шу мақсадда очиқ мулоқот ташкил этилди. Унда партия вилоят кенгаши ва гуруҳи аъзолари, партия вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Хоразм вилоят бўлими мутасаддилари, иқтидорли ва уюшмаган ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз билдирган асосли танқидий фикрларни таҳлил қилиш асносида бу борадаги ишларимизни ҳақиқатдан ҳам юқори босқичга кўтаришимиз, янги ташаббуслар билан чиқишимиз, мавжуд ваколат ва имкониятларимиздан самарали фойдаланишимиз зарурлигини англадик, –деди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ёшлар ишлари бўлими бошлиғи Ҳамдам Ниёзов. — Ҳолбуки, партия сайловолди Платформасида ёшларимизни "оммавий маданият" таъсиридан асраш, улар бандлигини таъминлаш ва муаммоларини ҳал қилиш масаласи устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу боис, айниқса, уюшмаган ёшлар билан кўпроқ ишлашимиз, уларни ўз мафкурамиз, ғоямизга, энг аввало, биз ишонишимиз керак. Шу боис партиянинг уюшмаган ёшлар билан тизимли ишлаш бўйича чора-тадбирлар Дастурида янги лойиҳа ва танловлар воситасида уларнинг дунёқарашини шакллантириш, касб-ҳунарга жалб этиш, бандлигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Партиянинг "Хизмат — беминнат", "Уйма-уй" лойиҳалари орқали уюшмаган ёшларнинг қизиқишлари ўрганилиб, муаммолари ҳал этилмоқда.

Таъкидланганидек, ёш авлод тарбиясини бир зум бўлсин ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Бу борадаги ишларда узвийликни таъминлаш, муносабату ёндашувларни миллий манфаатларимиз ва замонавий талабларга мослаш, изчил ривожлантириш ҳамиша долзарб. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кўпайиб, уларнинг таъсири ёшлар ҳаётида жиддий муаммолар келтириб чиқараётгани келажагимиз эгаларига алоҳида эътибор қаратишни, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиб, уюшмаган ёшлар билан тизимли иш олиб боришни тақозо этади. Президентимиз таъкидлаганидек, бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди.

Очиқ мулоқот давомида иштирок этган ёшлар ўзларининг таклиф-муносабатлари, муаммоларини очиқ баён этди.

— Бугунги очиқ мулоқот менда катта таассурот қолдирди. Фурсатдан фойдаланиб, партия тизимида "Мен депутат шогирдиман" лойиҳасини амалга ошириш таклифини билдирдим, — дейди Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Рухсора Машарипова. — Ушбу лойиҳага асосан ҳар бир шаҳар ва туман депутатига ўзи сайланган ҳудуддан 3 нафар ёш ва фаол йигит-қизлар шогирд сифатида бириктирилади. Бунда ёшлар маҳалладаги барча масала ва муаммоларни ўрганиб чиқиб депутатга етказади. Бу, ўз навбатида, депутатнинг бошқа фаолиятига оид ишлари қолиб кетмаслигига ҳамда маҳаллада депутатга шогирд тушган 3 нафар ёш авлод вакилларида етакчилик ва сиёсий маданият шаклланишига хизмат қилади. Зеро, бу механизм биз ёшларни Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, мамлакатимизни янада юксалтиришга дахлдорлик ҳисси билан яшаш, юртимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этишга ундайди.

— Бугун уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сафига киритиш борасида қатъий саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти, — дейди Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Рустам Рустамбеков. — Дарҳақиқат, уюшмаган ёшлар билан тизимли ишлаш, уларни замонавий фикрлайдиган, она Ватанимизга ҳурмат-садоқат ила хизмат қиладиган қилиб тарбиялаш лозим. Шу ўринда ёшлар ўртасида вилоятлараро саёҳатлар уюштириш таклифини билдираман. Чунки буюк тарихимиздан дарак берувчи обидаларимиз, аждодларимизнинг қолдирган бой маънавий мероси ёшларнинг ҳаётга, жамиятга ва оилага бўлган дунёқарашини яхши томонга ўзгартиришга хизмат қилади.



Партия фаоллари учрашувлар давомида Хива шаҳридаги "Қибла Тозабоғ" маҳалласи ҳудудида яшовчи уюшмаган ёшлар ҳамда диний оқимга кириб қолган кишиларнинг яшаш шароитини ўрганиб, муаммолари билан қизиқди.

Қибла Тозабоғ маҳалласи Луқмон кўчаси 7-уйда истиқомат қилувчи Гули Абдуллаева 2004 йилда Хива туман тиббиёт коллежини тугатган. Бироқ ҳозирга қадар иш топа олмаган: бир неча бор туман бандликка кўмаклашиш маркази, тиббиёт бирлашмаси ва бошқа ташкилотларга иш сўраб мурожаат қилган, аммо ҳеч қайси ташкилот ёрдам бермаган. Г.Абдуллаева очиқ мулоқотда иш билан таъминлашни сўраб мурожаат қилди. Партиянинг Хоразм вилоят кенгаши раиси мазкур мурожаатни тегишли тартибда ўрганиб, яқин вақтда уни туман тиббиёт бирлашмасига ишга жойлаштиришга ваъда берди.

Ўрганишлар давомида "Янги авлод" кўчаси 34-уйда яшовчи диний оқимга кўр-кўрона қўшилиб қолган, 1979 йилда туғилган Меҳрибон Олламова билан мулоқот қилинди. Унда М.Олламова 1998 йилда қариндошлари таъсирида бундай йўлга кириб қолганлигини ва бугунги кунда бу ишидан қаттиқ пушаймонлигини билдирди.

— Адашдим, жуда қаттиқ пушаймонман, хатомни тан олдим: давлатимиз кечирди, халқимизга ва Президентимизга минг раҳмат, менга хатоимни тўғрилашим учун имконият берди, — дейди Меҳрибон Олламова. – Энди фарзандларим таълим-тарбияси билан шуғулланиб, уларни эл-юртимизга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламан.

### Туризм — иқтисодиётнинг муҳим тармоғи

Туризм — айни пайтда дунё миқёсида замонавий иқтисодиёт тармоқларидан бири, иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимининг муҳим омили саналади. Қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтиришда унинг ўрни ва салоҳияти тобора ошиб бормоқда.


Ишчи гуруҳ режага мувофиқ дастлаб Хива шаҳридаги туризм масканларида бўлди, ҳудуднинг бой сайёҳлик салоҳиятига тўсиқ бўлаётган масалаларни ўрганди, туризм ривожи юзасидан депутатлик назорати олиб бораётган маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамда партия фаоллари билан очиқ мулоқот қилди.

— Давлатимиз раҳбарининг партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, туризмни ривожлантириш борасида сусткашликка йўл қўяётганимиз ҳақидаги танқидий хулосаларидан тўғри хулоса чиқаришимиз, дастурий мақсад-вазифалар, жумладан, туризмни ривожлантириш, ҳудудларнинг туристик салоҳиятини янада ошириш, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этишда фаол ва ташаббускор бўлишимиз, замон талабларига мос ҳаракат қилишимиз лозим, — деди ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Зеро, мамлакатимизда иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида эътироф этилаётган туризм имкониятларини кенгайтириш, сайёҳлик соҳасини янада ривожлантириш, ҳар бир ҳудуднинг туристик салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Хоразм вилояти улкан туристик салоҳиятга эга. Шу боис ҳам бутун дунёдан ташриф буюраётган сайёҳлар қадимий ёдгорликлар, ҳудуднинг бетакрор табиати ва миллий қадриятларига катта қизиқиш билдираётир. Бироқ бугунги кунда вилоятда ана шундай имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаяпти. Ўрганишларимиз соҳага оид қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун сайёҳларга мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини, транспорт ва меҳмонхона хизматлари ва, умуман, сайёҳлик логистикаси билан боғлиқ барча имкониятни ишга солиш, соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш лозим. Соҳада кадрлар масаласи ҳам долзарб вазифага айланган. Бу борада замонавий менежмент, хорижий туристларга юртимизнинг тарихи ва ҳозирги куни тўғрисида ишончли ахборот берадиган кадрлар — гид-экскурсовод, туристик ва меҳмонхона муассасалари ходимларини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш талаб этилади.

Таъкидланганидек, ўрганишлар натижасида "Ичан қалъа" ва "Дешон қалъа" ташқарисидаги мавжуд маданий мерос объектларини консервация ва реставрация қилиш, ён-атрофини ободонлаштириш, жойларда экотуризм йўналишини ривожлантириш, сайёҳлар учун оммавий кўнгилочар тадбирлар ўтказиш, меҳмонхоналар ва сайёҳларни жойлаштириш бўйича мажмуалар қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш каби муаммолар борлиги аниқланди. Шунингдек, мутахассислар иштирокида "Ичан-қалъа"даги гидрогеологик ва инженер-геологик ҳолатнинг тарихий ёдгорликларга таъсири ўрганилганда, шу нарса маълум бўлдики, қиш ва баҳор мавсумида сувларнинг ер остига сизиши, ер ости сув ўтказгичларининг ёмон ишлаши натижасида сизот сувлари тупроқнинг тепа қисмига кўтарилган. Бу эса пойдевор жойлашган ётқизиқларга салбий таъсир қилмоқда, иссиқда сувнинг буғланиши натижасида пойдеворни ҳам нам, ҳам шўр қоплаётир.

Ҳудуддаги тепа сувларни пастки қатламга ўтказиш ва зовурларга оқизиб юбориш учун қалъа атрофида эски табиий зовурларни қайта



тиклаш, Саидниёз Шоликорбой масжиди олдидаги оқава қувурларни талаб даражасида таъмирлаш ва ушбу ҳудуддаги автомашиналар турар жойининг фаолиятини умуман тўхтатиш борасида тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга келишиб олинди.

Очиқ мулоқот жараёнида ёш гид-таржимонларни чет давлатлар тажрибасини ўрганиши ва мунтазам малака оширишини йўлга қўйиш, Хивада туризмни ривожлантириш бўйича тарғибот гуруҳини ташкил қилиш ва у гуруҳга иқтидорли, шу билан бирга, уюшмаган ёшларни ҳам жалб этиш, "Ичан қалъа" музей-қўриқхонасидаги барча маданий мерос объектида "видео гид" ҳамда "аудио гид" воситаларини ўрнатиш, ички сайёҳлар учун аэропорт ва вокзалларда йўл ҳақи нархининг асоссиз ошишига йўл қўймаслик бўйича таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев ғояси билан ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясида туризмни янада ривожлантиришга қаратилган вазифалар ижросини таъминлаш, ҳали ишга солинмаган мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишимиз лозим, — деди халқ депутатлари Хива туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Дилдора Раззоқова. — Хусусан, соҳага замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, экотуризм, саломатликни тиклаш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш, сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш олдимизда турган долзарб вазифалардан. Шунингдек, сайёҳларга сифатли сервис-хизмат кўрсатиш, туристлар учун "Ичан қалъа" ичида турли кўнгил очар томошалар уюштириш, туризм соҳасида замонавий фикрлайдиган, давлат тили, мамлакатимиз тарихи, санъати, урф-одатлари, адабиёти ва хорижий тилларни пухта биладиган малакали кадрлар етиштириш мақсадида ўрта махсус ва олий ўқув юртларида сайёҳларга сервис-хизмат кўрсатиш бўйича ҳамда олий маълумотли гид-таржимонлар тайёрлайдиган махсус факультетларни кўпайтириш лозим.

Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар, билдирилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 6 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "2017-2021 йилларда Хива шаҳри ва Хоразм вилояти сайёҳлик салоҳиятини комплекс ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорининг ижросини сифатли ва самарали бажарилишига хизмат қилади. Шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида туризмни ривожлантириш бўйича белгиланган мақсад-вазифалар ижросида муҳим аҳамият касб этади.

### Миллий ҳунармандлик — миллий қадрият

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, миллий ҳунармандлик турларини "устоз-шогирд" анъанасини давом эттирган ҳолда янада ривожлантиришга қаратилган мақсад-вазифаларни амалга оширишга интилмоқда. Бу борада уста-ҳунармандлар, оилавий ҳунармандларга ҳар томонлама шарт-шароит ва имтиёзлар яратиб бериш, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ишчи гуруҳ айни шу мақсадда Хива шаҳрида 1977 йилда ташкил қилинган, юртимизда ягона ҳисобланадиган "Хива сополи" масъулияти чекланган жамият фаолияти билан яқиндан танишди.

Ўрганишлар жараёнида турли сопол буюмлар, кошинлар, миллий турдаги сувинерлар, чойнак, пиёла ва бошқа кўплаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Хива сополи" масъулияти чекланган жамиятида илгари қарийб 300 дан ортиқ ишчи ишлаган бўлса, бугун 30 киши меҳнат қилаётгани маълум бўлди. Корхона ҳудуди ва бинолари техник талабларга жавоб бермайди. Ишчилар учун, айниқса, қишда ишлашга умуман шароит йўқ. Бу, ўз навбатида, маҳсулотнинг сони ва сифатига таъсир этмай қолмайди.

Шу боис партия фаоллари мавжуд муаммоларнинг туб илдизини қидиришга ҳаракат қилишди. Аниқланишича, корхонанинг инқирозга юз тутишига маҳсулотларни тайёрлаш учун зарур бўлган хом ашёнинг асосан четдан олиб келиниши, транспорт ва божхона нархларининг юқорилиги, бунинг оқибатида маҳсулот таннархининг ортиши ҳамда узлуксиз газ таъминотининг йўқлиги сабаб бўлмоқда.

Мазкур корхонанинг қайта фаолият юритиши туризм ривожи, аҳоли бандлиги ва иқтисодий юксалишида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Боиси корхонада 1 минг 100 даража иссиқликда пиширилиб тайёрланадиган маҳсулотлар нафақат ички бозор, балки хорижлик сайёҳлар эътиборини ҳам тортмоқда.Ушбу масалани атрофлича ўрганган ишчи гуруҳ корхонани тўлиқ ҳажмда қайта фаолият юритишини йўлга қўйиш, бунинг учун тўсқинлик қилаётган муаммоларни бартараф этишда амалий кўмак берилишини қайд этишди.

Мамлактимизда миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари яқинда ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга бағишланган йиғилиш ўтказиб, улар фаолиятини янада кенгайтириш, соҳага оид муаммолар, хусусан, ҳунармандларнинг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, имтиёзли кредитлар ажратиш борасида мақсад-вазифаларни белгилаб берди. Ҳунармандликни ривожлантиришга оид ана шундай устувор вазифалар, ўз навбатида, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партия электорати бўлган ҳунармандлар манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган лойиҳаларни илгари суришга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, бундай ўрганишлар ҳудудлардаги ёшларнинг муаммоларини ҳал этиш, улар билан доимий мулоқот қилиш, мурожаатлар юзасидан тегишли мутасадди ташкилотларга депутатлик сўрови юбориш, маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига масала киритиш ва депутатлик назоратини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

**Усмон АБДУРАСУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Жараён

***Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига 24 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайлов тобора яқинлашиб келмоқда. Мазкур сиёсий жараён барча сиёсий партияларнинг эътибор марказида бўлиб турибди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Тошкент шаҳар ва туман ташкилотлари ҳам туман вакиллик органларидан кўпроқ депутатлик ўрнини эгаллаш мақсадида сайловга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бугун Тошкент шаҳридаги барча партия ташкилотлари сайловолди тайёргарлик ишларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. ЎзМТДП Тошкент шаҳар ва туман кенгашларида ташкил этилган сайлов штаблари сайлов кампанияси тадбирларига бош-қош бўлаётир.***

# САЙЛОВ ШТАБИДА ИШ ҚИЗҒИН



ЎзМТДП Бектемир туман кенгашининг сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида сайлов штабига бордик. Штабда сайловга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар, зарур ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд, барча шарт-шароит яратилган.

— Партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишда маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар фаолияти муҳим аҳамият касб этади, — дейди ЎзМТДП Бектемир туман кенгаши раиси, сайлов штаби раҳбари Бобомурод Одилов. — Шу боис Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов партиямиз зиммасига катта масъулият юклайди. Партия туман кенгашимиз бу муҳим сиёсий жараёнда муносиб иштирок этиш мақсадида пухта тайёргарлик кўрмоқда. Сайлов штабида ташкил этилган учта гуруҳ ўз зиммасига юклатилган вазифаларни босқичма-босқич амалга оширяпти. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида номзодларнинг сайловолди дастурини тарғиб-ташвиқ қилиш, депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва сайлов комиссиялари билан ишлаш, партия ваколатли вакили ҳамда номзодларнинг ишончли вакилларини тайёрлаш ва улар билан ишлаш гуруҳлари ўз йўналишидаги ишларни тизимли олиб боришга эътибор қаратмоқда. Туманимизда жами 18 бошланғич партия ташкилоти мавжуд. Штаб аъзолари куйи бўғинларда бўлиб, олдимизда турган сайловнинг аҳамияти, пойтахтимизда халқ депутатлари туман Кенгашлари ташкил этилишининг моҳияти ҳақида тушунтириш ишларини амалга оширмоқда. Айни пайтга қадар барча БПТнинг умумий йиғилишлари ўтказилиб, уларда туман кенгаши конференцияси учун икки нафардан, жами 36 делегат сайланди. Туман ҳудудидаги 30 сайлов округига партиямиздан биттадан номзод сараланиб, уларнинг рўйхати шакллантирилди. Айни пайтда партия туман кенгашининг конференциясини ўтказишга тараддуд кўраяпмиз.

Дарҳақиқат, ЎзМТДП Бектемир туман кенгашининг сайлов жараёнига тайёргарлик ишлари белгиланган чора-тадбирлар режаси асосида қизғин руҳда олиб борилмоқда.

Таъкидлаш жоиз, Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларининг ташкил этилиши туманлар даражасида маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижросини назоратга олиш, депутатлик назоратини ўрнатиш, Кенгашлар сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини тинглаб, муҳим қарорлар қабул қилиш имконини беради. Бу эса ҳудуддаги муаммо ва масалалар халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари аралашуви ва кўмаги билан жойида ҳал этилиши ва туманлар ривожига хизмат қилади. Шундай экан, сайлов жараёнини пухта тайёргарлик билан юқори савияда ташкил этиш ва муносиб номзодларни сайлаш олдимизда турган долзарб вазифа саналади. Бу жараёнда ЎзМТДП ташкилотларининг фаол иштироки вакиллик органларидан нисбатан кўп депутатлик ўрнини эгаллаш имконини беради.

**Ўз мухбиримиз**

MILLIY TIKLANISH
46 (478) 2017 йил 8 ноябрь, чоршанба

**Фракция фаолияти**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 ноябрь куни ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишида кўрилган масалалар ижроси юзасидан партия фаоллари ва фракция аъзоларининг олдида турган вазифалар муҳокама қилинди.***

# АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАРИМИЗ

## ДАСТУРИЙ МАҚСАД-ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ҚАРАТИЛАДИ



Йиғилишни ЎзМТДП фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Мамлакатимизда ҳунармандчилик ривожи, ҳунармандлар меҳнатини муносиб рағбатлантиришга қаратилаётган эътибор аждодларимиздан мерос қадриятлар бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда, — деди С.Отамуратов. — Ҳунармандчилик нафақат миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисми, балки харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқариш, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳунармандчиликни янада ривожлантириш, ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштириш, бунинг учун уларга имтиёзли кредитлар ажратиш, соҳага халқаро молия институтлари инвестицияларини жалб этиш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, "Микрокредитбанк" раҳбарлари ва туман ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига ҳудудларнинг ўзига хос хусусият ва анъаналаридан келиб чиқиб, туманлар кесимида аниқ режа ишлаб чиқиш, ҳар бир ҳунармандга етиб бориш вазифаси қўйилди.

Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширишга интилмоқда. Партиямиз сайловолди Платформасида белгиланган миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, партия электорати бўлган қадриятларимиз давомчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ижросига қаратилган, "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси доирасида ҳунармандларга имтиёзли кредит ажратилишига, уларнинг ўз фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиб келаётир. Мазкур йиғилишда илгари сурилган ғоя ва вазифалар асосида, бу борадаги фаолиятимизни янада кучайтиришимиз, депутатлик ва парламент назорати институтини самарали йўлга қўйиб, белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз зарур.

Таъкидланганидек, ушбу йиғилишда берилган топшириқларга мувофиқ, ҳар бир вилоятда махсус кўргазма ва ярмаркалар ташкил этилиб, уларда ҳунармандлар бепул иштирок этади. Шунингдек, уларнинг хорижий давлатларда ўтказиладиган кўргазма, фестиваль ва ярмаркаларда қатнашишига кўмаклашилади, экспорт фаолияти рағбатлантирилади. Ҳунармандларга ўз маҳсулотларини экспорт қилишдан тушган хорижий валютани эркин тасарруф этиш, жумладан, банк ҳисоб рақамларидан хорижий валютани нақд олиш ҳуқуқи берилади.

Фракция аъзолари мазкур йиғилишда кўзда тутилган барча чора-тадбирлар ҳунармандчиликни янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидладилар. Ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари билан ҳамкорликда йиғилишда белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш, бунда парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Фракция йиғилишида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2 ноябрдаги "Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазмун-моҳияти, бу борада фракция аъзоларининг олдида турган муҳим вазифалар ҳам муҳокама этилди. Таъкидланганидек, мазкур ҳужжатда илмий фаолият ҳамда таълим жараёнини интеграциялашувини янада чуқурлаштириш бўйича мақсадли чораларни амалга ошириш, бунда илмий-тадқиқот муассасалари илмий ҳодим ва мутахассисларини олий таълим ўқув жараёнига кенг жалб қилиш, магистрлик диссертациясининг дастлабки ҳимоясини амалиёт ўталган муассасада ўтказиш тартибини жорий этиш кўзда тутилган.

Мазкур қарор республика илмий муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотлар савиясини юксалтириш, уларни халқаро талабларга кўра илмий халқаро базалардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда, шунингдек, фракция фаолиятига оид бошқа масалалар муҳокама қилинди. Кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.



**Алишер ҲАМРОЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**

— Мамлакатимизда илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятининг самадорлигини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим ва илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари сифатида илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этиш белгиланган. Ўтган давр мобайнида илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини ошириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган салмоқли ишлар амалга оширилди. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий лаборатория ва кафедралари, илмий кенгашлари, вазирлик ва идоралар, турли даражадаги эксперт ва илмий-техника кенгашларидан иборат кўп тармоқли илмий-ташкилий инфратузилма фаолият олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг "Илмий-тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мазкур соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, моддий-техник ва лаборатория-тажриба базасини мустаҳкамлаш, инновацион фаолиятни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда белгиланган вазифалар мамлакатимиз илм-фани ва иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлидаги тизимли қадамларнинг мантиқий давоми бўлиб, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали бажаришга хизмат қилади. Фракциямиз аъзолари ЎзМТДПнинг мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, илмий фаолиятга истеъдодли, қобилиятли ёшларни жалб этиш орқали юқори билим-малакали жамиятни шакллантиришга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, қарор ижросини таъминлашда фаол иштирок этади.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Ташаббус натижа берди**

# ОИЛА СОҒЛОМ БЎЛСА, ЖАМИЯТ МУСТАҲКАМДИР

## ҚАМАШИ ТУМАНИДА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН 32 ЎҚУВЧИ ҚИЗНИНГ ТЎЙИ КОЛЛЕЖНИ ТАМОМЛАГУНГА ҚАДАР ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

***Ҳар бир оила моҳиятан кичик бир мамлакатга ўхшайди: ўзига тегишли моддий ва маънавий сарҳади, ўзига мансуб тартиб-қоидалари бор. Аммо уларни муҳим бир ришта – умуммиллий қарашлар тизими бирлаштириб туради. Бу – кечаги кундан хулоса, бугунидан маъно ва эртасидан умид топиб яшаётган инсонлар танлови. Мустаҳкам маънавий илдизларига таяниб яшаш саодатидир.***

Аммо... сўнгги пайтларда эрта никоҳ ҳолатлари кўпайиб бораётгани йигит-қизларнинг оилавий муносабатларга тайёр эмаслигини етарлича исботлаб бермоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом муҳитни шакллантириш, оилавий қадриятларни ардоқлашга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, муайян ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, халқ депутатлари Қамаши туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи 2017 йилнинг 9 октябрь куни туман Кенгаши сессиясига туманда "Оила, маҳалла, таълим муассасаларида ёшлар, айниқса, қизлар тарбияси, эрта никоҳнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани киритди. Партия гуруҳининг ушбу ташаббуси никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилавий ҳаётда рўй берадиган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, соғлом муҳитни шакллантириш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш ва оилалар барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур масала сессияда туман фаоллари ва депутатлар иштирокида қизғин муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, бугун халқимиз саломатлиги, жумладан, аёллар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашда қатор ютуқларга эришилди. Турмуш қуриш арафасида турган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, қизларни турмушга тайёрлаш, эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари ҳақида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Ана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, оила кўрғонини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг ижобий самара беришига эришиш энг долзарб вазифадир.

— Эрта никоҳ кўпинча оила мустаҳкамлиги, фарзандларнинг соғлом дунёга келишига тўсқинлик қилади, — дейди халқ депутатлари Қамаши туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Нормўмин Имомов. — Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида никоҳ ёши қиз болалар учун 17 ёшни, ўғил болалар учун эса 18 ёшни ташкил этиши белгилаб қўйилган. "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунга кўра, 18 ёшгача бўлган шахс бола ҳисобланади. Демак, 16-18 ёшда турмуш қураётган ва она бўлаётган ўсмир қизлар қонунчилик нуқтаи назаридан ҳам ҳали бола ҳисобланади. Аммо бугун ёш қизларни эрта турмушга бериш ҳоллари тез-тез учрамоқда. Ўсмир қизларнинг турмуш қуриши, ёш она бўлиши ва шу асосда келиб чиқадиган турли хил тиббий, маънавий ва ижтимоий асоратлар мустаҳкам оилани шакллантиришга салбий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Қолаверса, эрта турмуш ва ҳомиладорлик ёш аёлнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, унинг таълим олиши, жамиятда ўз ўрнини топишига тўсиқ бўлади. Ўйлаб кўрайлик, ёш она жисмонан, маънан ҳамда руҳан оналик масъулиятига тайёр бўлмаса, қандай қилиб соғлом фарзандни дунёга келтириши, тарбиялаши мумкин? Демак, ҳаётимизда мунтазам учраб турган ушбу иллат ҳар биримизнинг эътиборимизда бўлмоғи лозим. Таълим муассасалари, маҳаллалар ва бошқа жамоат жойларида эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришимиз, зарур бўлса, бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан парламентдаги вакилларимизга таклифларимизни беришимиз мақсадга мувофиқдир.

Сессияда кўрилган масала юзасидан Қамаши туман хотин-қизлар қўмитаси раисининг ҳисоботи тингланди. Унда айтилишича, тумандаги мавжуд 49 фуқаролар йиғинида эрта никоҳ ва эрта туғиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича тегишли тушунтириш, тарғибот ва суриштирув ишлари олиб борилмоқда. 2017 йилнинг 6 ойи давомида эрта никоҳ ва эрта туғиш қайд этилмаган. Касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 32 нафар ўқувчи қизнинг тўйи туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла маслаҳатчилари аралашуви ҳамда саъй-ҳаракатлари билан коллежни тамомлагунга қадар тўхтатиб қолинди.

Сессияда қайд этилган маълумотлар бу борада олиб борилаётган ишлар етарли эмаслигини, тарғибот-ташвиқот ишлари ва амалий саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра, Қамаши туманида қизлар тарбияси, эрта никоҳнинг олдини олиш борасида мувофиқлаштирувчи комиссия тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Ушбу комиссия зиммасига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда қизлар тарбияси, эрта никоҳнинг олдини олиш борасида жамоатчилик назоратини ўрнатиш юзасидан таъсирчан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, туманнинг барча ҳудудида мавжуд ҳолатни ўрганиб, қизларни миллий қадриятлар асосида тарбиялаш ишларига кенг жамоатчилик вакилларини, кекса онахонларни жалб этиш, тарғибот ишларини кучайтириш вазифаси юкланди.

Таълим муассасалари ва маҳалла мутасаддилари зиммасига вояга етмаган қизларни узатишга уриниш ҳолатлари юзага келганда бунинг олдини олиш бўйича қатъий тизимни йўлга қўйиш топширилди. Туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари биргаликда эрта никоҳ ва эрта туғиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш бўйича Оила штаби ҳамда "Жамоатчилик назорати" гуруҳи аъзолари тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтириши, ёш қизларни касб-ҳунарга кенг жалб қилиши белгиланди. Шунингдек, фуқаролар йиғинининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, айниқса, эрта никоҳнинг олдини олиш комиссиясининг тўлақонли ишлашини таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан ҳамкорликда эрта ва шаърий никоҳ, балоғат ёшига етмай она бўлиш ҳолатларининг олдини олиш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ва ёшлар ўртасида тушунтириш ишларини ташкил этиш қарорда ўз ифодасини топди.

Сессия қарорида белгиланган вазифалар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларига ҳамоҳанг тарзда соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини кўпайтириш, шунингдек, ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларни ҳаётга тўғри тайёрлаш, турли ноҳуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бу жамиятда, оилаларда соғлом маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

**Муҳтарама КОМИЛОВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

**Миллий ғурур**

***...Баҳром Абдуллаев ўз даврининг номдор полвони эди. У қатнашган давранинг файзи бўлакча бўларди. Соврин эмас, ор-номус учун курашарди. Аммо унинг бир армони — ўғли йўқлигида эди. Айниқса, тўй ва давраларда дўстлари ўғилларининг спортда эришаётган ютуқлари ҳақида сўзлашганда Баҳром аканинг кўнглига қаттиқ ботарди. Ўша пайтлари улар учта қиздан кейин тўртинчи фарзандини кутаётган, "шуниси ўғил бўлар", деган ишонч бор эди ота кўнглида...***

# ОТА ОРЗУСИНИ УШАЛТИРГАН ҚИЗ



Яратганнинг марҳамати билан тўртинчи фарзанд ҳам қиз туғилди. Баҳром аканинг аёли бунинг барига худди ўзи сабабчидек гуноҳкор бош эгиб юрди. Аммо қиз бола ҳам фарзанд, у ҳам Аллоҳнинг бандаси эканлигини ота жуда яхши англаб турар, шу сабаб аёлининг ўксиган кўнглига ёруғлик улашарди.

Иккинчи қизи Турсунпошша ёшлигидан чаққон ва эпчил бўлиб ўсди. Буни сезган Баҳром ака ўн ёшга тўлганида уни машғулот залига бошлаб келади. Спортнинг дзюдо тури билан шуғулланган Турсунпошша аввалига унга унчалик қизиқмайди. Буни отаси ҳам сезо бошлади. Аммо орадан бир йил ўтиб, қизалоқнинг дзюдога меҳри ва қизиқиши шунчалик ошиб кетдики, бу унинг мураббийи ва отасини ҳам ҳайрон қолдирди.

Айни шу жараёнда фарзандинг ҳаётдаги ўрнини топиб кетиши учун ота-онанинг ўрни қанчалик муҳим эканлиги яна бир бор ойдинлашади. Кўпчилик ота-она фарзандининг истагига қараб, уни фан ва машғулотларга йўналтирса, баъзилари аксинча ўзлари қизиққан соҳага бошлаб, боланинг маълум касб эгаси бўлишига сабабчи бўлади. Шуниси муҳимки, ҳар иккала ҳолатда ҳам ота-она фарзанди камолоти, унинг келажагини ўйлаб иш тутади. Энг муҳими, эътиборсиз қолдирмайди. Уни рағбатлантириб, руҳлантирса, боладаги ўзига бўлган ишонч ва масъулият янада ортади, бу эса бир кун келиб ўз натижасини беради.

Йиллар давомидаги машғулотлар Турсунпошшани ҳар томонлама чиниқтирди. Кўп ўтмай республика миқёсидаги қатор мусобақаларда шоҳсупанинг юқори поғоналаридан жой ола бошлади. 2011 йили илк бор халқаро мусобақа — Украинада бўлиб бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди.

— Ўшанда жуда қаттиқ ҳаяжонланган эдим, чунки жаҳон аренасида Ватан номидан даврага тушиш, унинг шарафини ҳимоя қилиш масъулиятини сўз билан ифодалаб бериш мушкул, — дейди Турсунпошша. — Меҳнати сингган мураббий, ишонч билдириб, кўз тикиб турган ота-онам ва юртдошларим худди кино тасмасидек бир-бир кўз олдимдан ўта бошлайди. Мана шу ҳаяжон ва масъулият қай бир мусобақада иштирок этмай, мен билан бирга. Балки муваффақиятларимнинг сири ҳам шундандир.

Турсунпошшанинг ҳикоя қилишича, у ёшлигида адабиётга қизиққан. Устози ҳар дарсда ундан янги ёд олиб келган шеърини айтиб беришни сўрар, шоира бўлиш орзусида юрган қизалоқ ҳам завқланиб шеър ўқиб беришдан чарчамаган. Адабиёт, хусусан, китобнинг инсон камолотида тутажак ўрни ва аҳамиятини шундан ҳам билиш мумкин.

Халқаро майдон ҳаяжони ва масъулиятини кўнглидан ўтказган спортчи кейинчалик қатор мусобақаларда ғолиб чиқа бошлади. 2012 йили Туркияда бўлиб ўтган Осиё чемпионати, 2013 йил Хитойнинг Намжун шаҳридаги Осиё ўйинларида фахрли ўринларни қўлга киритган Турсунпошша кейинчалик 2015 йил Венгрияда бўлиб ўтган жаҳон кубогида 1-ўрин, 2016 йили Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган 31-ёзги Олимпиада ўйинларида бронза медалига сазовор бўлди. 2017 йили эса юртимизда ўтказилган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Бир пайтлар ўғлим йўқлигидан қаттиқ хафа бўлардим, аммо бугун бахтиёрман. — дейди Турсунпошшанинг дадаси Баҳром ака. — Бу бахтни менга Барчиной қизларим беряпти. Қалбим тўридаги орзуларим ушалди. Улар билан ғурурланаман. Бир отанинг бахти ҳам шу-да аслида.

Агар инсонда мақсад аниқ бўлса, марра бир қадам, деб бежиз айтилмаган. Ҳаракат, изланиш ва ўз устида тинимсиз ишлаш эса эришилган ютуқнинг қанчалик тотли, ўзи, ота-онаси ва Ватани учун нечоғлик аҳамиятли эканлигини таъминлайди. Юртимизнинг мана шундай ғайратли, тиниб-тинчимас, қалбига Ватан меҳрини жо қилган фарзандлари кўпаяверсин!

**Исломжон НОРМАМАТОВ, "Milliy tiklanish" мухбири**

Суҳбат

# ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ АСОСИДА ТАРБИЯ ТОПСА, ЁТ ҒОЯЛАР ЎЗ ТАЪСИРИНИ ЎТКАЗА ОЛМАЙДИ

***Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарори мамлакатимиз аҳолисига қаратилган маънавий-маърифий ишларни кенг ва атрофлича, холис таҳлил этиш, бугунги глобаллашув шароитида навқирон авлод онгу шуурини турли ёт ва зарарли ғоялардан ҳимоялашга оид долзарб вазифаларни бажаришда муҳим асос бўлди.***

***Марказ олдида турган муҳим вазифалар ва уларни рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Алишер ҚОДИРОВ билан суҳбатлашдик.***



**— Бугунги глобаллашув шароитида, яъни ҳар бир халқ ўз маданиятини сақлаб қолиш учун курашаётган, миллатлар маънавиятига салбий таъсир ўтказишга қаратилган турли бузғунчи ғоялар тобора кенг қулоч ёяётган мураккаб бир даврда маънавий тарғибот ишларини кучайтириш муҳим масалага айланди. Сиз раҳбарлик қилаётган Марказ шундай шароитда ўз олдига қандай вазифаларни қўйган?**

— Давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 июлдаги "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида"ги қарорида дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш вазифалари белгиланган. Ана шу вазифалар ижроси юзасидан ҳудудларда ички ва ташқи мафкуравий таҳдидларни аниқлаш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш ва шу асосда мамлакатимиздаги маънавий-маърифий муҳит таҳлилини кўрсатиб берувчи дастур-харита ишлаб чиқилди.

Мазкур харитага мувофиқ ҳудудлардаги маънавий-маърифий соҳадаги муаммоларни ўрганиш тизими шакллантирилмоқда. Жойларда инсон ҳаётига хавф туғдирадиган ва унинг онгини заарловчи турли мафкуравий таҳдидларни таҳлил қилиш мақсадида сўровлар олиб борилади. Сўров натижасида жойларда аниқланган муаммолар унинг ҳудудий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда Марказ иш режасига киритилади.

**— Қарорда мамлакатимизнинг маънавий-маърифий тарғибот ишларини янги босқичга олиб чиқиш мақсадида "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини ташкил этиш ҳам белгиланган эди. Бу борадаги ишлар қай тарзда олиб борилмоқда?**

— Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, аҳолига давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш мақсадида кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар ҳамда ижодкор зиёлилардан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамияти фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозирда мамлакатимизнинг барча ҳудудидан ва турли соҳа вакилларидан иборат таркиб шакллантирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад – соҳада фаолият юритаётган масъулларни бир жойга жамлаган ҳолда маҳаллама-маҳалла, оилама-оила юриб, жойлардаги маънавий-маърифий муҳитни ўрганиш, уни чуқур таҳлил қилиш ва зарур чораларни қўллашдан иборат.

Оиладаги маънавий муҳит, энг аввало, маҳаллада бўй кўрсатади. Маҳалла, ўз навбатида, туман маънавий кўрсаткичини белгилаб беради. Ушбу таҳлиллар ҳудудларга доир масалаларни қисқа муддатда ва тезкор бартараф этиш бўйича мулоқотга киришиш, аҳоли билан уларнинг ечимлари бўйича бамаслаҳат ҳаракатлар дастурини тузиш имконини яратади. Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Маърифат" тарғиботчилари жамияти мамлакатимизда соғлом дунёқарашни шакллантириш, аждодларимизга хос бўлган бунёдкорлик руҳини юзага чиқаришга хизмат қилувчи муҳим фаолиятга айланади. Тарғиботчиларимизнинг самарали фаолият олиб боришларига қулай шароит яратиб беришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, Марказ мутахассисларининг тарғиботчилар учун соҳага оид турли қўлланмалар тақдим этиши кўзда тутилган. "Маърифат" тарғиботчилари аъзолари учун ижтимоий тармоқларда гуруҳ ташкил этилиб, унда тарғиботчиларнинг мунтазам фикр алмашиши йўлга қўйилди. Тарғибот тадбирлари оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилиши таъминланмоқда.

Тарғиботчилар фаолияти самарадорлигини янада ошириш мақсадида Республика маънавият ва маърифат Кенгашининг йилда бир маротаба ўтказиладиган йиғилишида белгиланадиган "Маърифат" тарғиботчилари жамиятини молиялаштириш манбасига мувофиқ Жамият аъзоларининг маърузалари учун тўланадиган ҳақ миқдори ҳам белгилаб қўйилади.

**— Бугунги глобаллашув жараёнида ёшларни Интернетдан буткул чеклаб бўлмайди. Модомики шундай экан, Марказ уларнинг глобал тармоқ қармоғига илиниб қолмаслиги, тарқатилаётган турли ахборотларнинг ишончли ва инсон маънавий оламига путур етказмайдиганларини ажратиб олиши, умуман соғлом дунёқарашни шакллантириш борасида қандай вазифаларни белгилаган?**

— "Нур Шарқдан". Бу ҳикматни шарқлик эмас, мағрублик донишмандлар айтган. Шарқдан тараллган маърифат нури инсоният юрагини ҳамиша равшан этиб келди. Ғарбда эса юксалишдан манфаат изланди. Мана шу мақсадда XX асрнинг ўрталарида Интернет пайдо бўлди ва у қисқа муддат ичида ўргимчак тўридек дунёни қамраб олди. Бугун халқаро миқёсда Интернет орқали ғоявий ва ахборот кураши авжига чиққан. Бу курашда дунёга террор ва босқинчилик хавфини ёйишга уринаётган, инсон эрки ҳамма нарсадан устун, у хоҳлаган ишини қилиши керак, деган ақидани олға суриб, халқлар маданияти-ю, қадриятларини четга улоқтираётган, демократияни ўзига ниқоб қилиб олиб, оила, ота-она тушунчаларини йўққа чиқармоқчи бўлаётган кучлар ғалабасини истамаган ҳар бир инсон воқеа-ҳодисаларга эътиборли бўлиши, уларга қарши курашиши зарур.

Марказ бу борада амалга ошириладиган ишларини аниқ белгилаб олган. Унинг расмий саҳифалари орқали ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, оқилона фойдаланиш маданиятини юксалтириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш мақсадида маънавий-маърифий тарғибот ишлари турли ижтимоий тармоқ ва мобил мессенжерларда кенг ёритилмоқда. Юртимиздаги деярли барча оммавий ахборот воситаларида "Миллий ғурурни шакллантиришда аждодлар меросидан фойдаланиш", "Ёшлар тарбияси ва миллий мафкура муштараклиги", "Уюшмаган ёшлар: муаммо ва ечим" каби мавзуларда баҳс-мунозарали чиқишлар ташкил этилмоқда.

Ёшларга Интернетни тақиқлаб бўлмайди, албатта. Чунки бу — замон талаби. Хўш, бундай шароитда қандай йўл тутмоқ керак? Президентимиз таъкидлаганидек, ахборот-коммуникация технологиялари орқали китоб тарғиботи, китоб мутолааси, уларнинг электрон нусхалари ва аудио ҳолатида кенг тарғиб қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимизнинг 2017 йил 14 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан, "Китоб мутолааси ва муҳокамаси — маърифий ибрат олиш йўли", 1 октябрь — "Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан Марказнинг барча минтақавий-ҳудудий бўлим раҳбарлари томонидан "Оилаларга маърифат улашиб" номли тадбир доирасида ҳар бир вилоятда кам таъминланган, серфарзанд оилаларга 10 тадан ўзбек миллий қадриятлари, маданияти ва адабиётига тегишли бўлган китоблар тақдим қилинди.

**— Маълумки, Марказ китоб тарғиботи билан бирга китоб ва рисолалар нашрига ҳам эътибор қаратмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Мамлакатимизда мустақиллик байрамини ҳар йили алоҳида шиор остида нишонлаш яхши анъанага айланган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 27 июнда имзоланган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" номли услубий кўлланма нашр этдик. Унда мустақиллик йиллари, хусусан, кейинги қарийб бир йил давомида юз берган туб ўзгаришлар, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилган ислоҳотлар мазмун-моҳияти очиб берилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 мартдаги "Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори асосида Марказ ўзбек халқининг атоқли фарзанди Шароф Рашидов хотирасига бағишланган "Ифтихор" китобини нашрга тайёрлади. Ушбу китобда етук адиб, халқпарвар инсон Шароф Рашидовнинг ижодига назар, юрт тараққиёти ва келажаги учун қилган салмоқли меҳнати, зиёли аҳлига бўлган катта ҳурмати, таълим ва тарбия борасида холис муносабати ҳамда шахсий ҳаётидаги намуна бўлгулик ибратли ишлари хусусида сўз юритилади.

Маълумки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқиш ва Бош Ассамблеянинг Маърифат ва диний бағрикенглик деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусларини илгари сурди. Бу ташаббуслар моҳиятини аҳоли, айниқса, онги эндигина шаклланиб келаётган ёшлар орасида тарғиб қилиш ҳар бир зиёли, тарғиботчининг шарафли бурчидир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб Марказ томонидан "Дунёни маърифат қутқаради" номли рисола тайёрланди. Рисола маънавий-маърифий ишлар масъуллари, зиёлилар, тарғиботчилар, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари учун услубий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда.

Шунингдек, яқин кунларда Абул Муин Насафийнинг "Тамҳид ли қавоиди-т-тавҳид" асари таржимаси шарҳ ва изоҳлари билан ўқувчилар қўлига етиб боради. Ҳозирда "Абул Муин Насафий илмий меросининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти" рисоласи нашрга тайёрланмоқда.

"Диний тахдидлар", "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси: хавфсизлик" каби рисолалар ҳам тез кунларда нашрдан чиқади.

**— Маънавият ҳақида сўз кетар экан, таълим-тарбия масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимизда таълим тизими йилдан йилга такомиллашиб боряпти. Айниқса, мактабгача таълим тизимида бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар фикримизга яққол далил бўла олади.**

— Ҳар бир соҳанинг бош негизи таълим-тарбиядир. Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масаласи доимий эътибор ва назоратда. Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ бу соҳада янги таълим тизими яратилди. Шу ўринда, бу тизим моҳиятини англаш ва мулоҳаза қилиш учун бир қадим ривоятни келтиришни жоиз, деб топдик. Бир киши чақалоқ кўтариб буюк аллома Абу Али ибн Сино ҳузурига фарзанд тарбияси бўйича маслаҳат сўраб боради. Аллома боланинг туғилганига 9 кун бўлганини эшитиб, отага тарбияда 9 кунга кеч қолибсиз, дейди. Бугунги глобаллашув хавф-хатарларига қарши тура оладиган, ўз маънавий куч-қудратига эга авлод ўз-ўзидан ёки тасодифан шаклланиб қолмайди. Шу маънода таълим-тарбияни боғчаданоқ бошлаш фарзанд камолотига ижобий таъсир кўрсатади.

Дунёнинг кўплаб мамлакатлари — Япония, Жанубий Корея ва Ғарб давлатларида боланинг 7 ёшгача бўлган даврига унинг келгуси ҳаёти маъмунини белгилаб берувчи давр сифатида қаралади. Ҳақиқатан ҳам бу давр бола келажаги учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади. 3-7 ёшли болани мактабгача таълим муассасасига тўлиқ қамраб олиш унинг жисмоний, психологик ва маънавий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга. Фарзандларимизнинг ватанпарвар, диёнатли, адолатли бўлиб вояга етиши кўп жиҳатдан мактабгача таълим муассасасидаги таълим-тарбияга боғлиқ. Бунда, албатта, оила, ота-она кўмакчи бўлиши лозим. Шунингдек, бу даврда педагогик тарбия тизими билан бирга, миллий анъана ва қадриятларимиз хусусиятларини ўз ўрнида қарор топтириш, хусусан, тарбия жараёнида ёши улуғ нуронийлар тажрибасидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Зеро, давр шиддати билан бирга қадам ташлаётган фарзандларимиз миллий маънавиятимиз асосида тарбия топса, одоб-ахлоқ тушунчаларини рад этадиган, биз учун мутлақо бегона ғоялар ўз таъсирини ўтказа олмайди.

Кейинги йилларда қатор давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан Бирлашган Миллатлар ташкилотининг ЮНИСЕФ — болалар ташкилоти билан ҳамкорликда таълим, соғлиқни сақлаш, болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбия олиши, соғлом ва юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар бўлиб вояга етишини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Марказ ҳам мазкур ташкилот билан ҳамкорликда "Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасалари фаолияти ва халқаро тажриба" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Болаларни интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги ҳамкорлик ўзининг юксак самарасини бермоқда. Бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида бир қатор чораларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Мухтасар айтганда, мақсадимиз — юртимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб улғайишига замин яратишдир. Зеро, бу борада олиб борилаётган ишлар самарадорлиги кўп жиҳатдан фуқаролар онги, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг нечоғли камол топгани билан чамбарчас боғлиқ.

**"Milliy tiklanish" мухбири Исломжон ҚЎЧҚОРОВ суҳбатлашди.**

Саломатлик посбонлари

***Халқ ишончи, меҳри ва ҳурматини фақат ва фақат фидокорона меҳнат, қатъий интизом, касбга бўлган юксак масъулият билан қозониш мумкин. Айниқса, инсон ҳаёти, унинг энг катта бойлиги — соғлиғи билан боғлиқ тиббиёт соҳасида бу мезоннинг аҳамияти ниҳоятда катта.***

# ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

## ИСЛОҲ ҚИЛИНМОҚДА

Давлатимиз раҳбари ўтган қисқа даврда соғлиқни сақлаш тизими ҳолати ва унинг ривожланиш истиқболлари юзасидан беш марта йиғилиш ўтказгани, соҳани комплекс ривожлантиришга қаратилган ўттизга яқин фармон ва қарорлар эълон қилингани ҳам бир ҳақиқатни англатади: соғлиқни сақлаш масаласи ҳар бир одамнинг кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри дахлдор бўлиб, бу борадаги муаммолар аҳолининг саломатлигига, охир-оқибатда жамиятимизнинг ижтимоий кайфиятига, халқнинг давлатга, ҳукуматга бўлган ишончига таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари тиббиёт ходимлари билан бўлган учрашувларда бот-бот таъкидлаганидек, ҳудудларда тиббий кадрлар етишмовчилиги билан боғлиқ муаммолар тиббий хизмат сифатига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, вилоятлар кесимида мутахассис етишмаслиги беморнинг шифо истаб пойтахтга келиши, унинг ортиқча сарф-харажат қилишига олиб келмоқда.

— Дарҳақиқат, жойлардаги мавжуд ҳолат ўрганилганда, соғлиқни сақлаш соҳасининг бирламчи тизимида кадрлар таъминотида номутаносиблик мавжудлиги аён бўлди, — дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фан ва ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи Ўктам Исмоилов. — Мамлакатимиздаги шифокорларнинг умумий сони 72 мингдан ортиқ бўлиб, бу кўрсаткич ҳар 10 минг аҳолига 23,5 нафардан тўғри келади, дегани. Аммо айрим вилоятларда бу кўрсаткич кўнгилдагидек эмас. Бирламчи тизимда кадрлар таъминотини яхшилаш мақсадида жорий йилнинг ўзида уч мингдан зиёд бакалавриат битирувчисининг қарийб 80 фоизи бирламчи тизимга жалб қилиниб, улар учун зарур шароит яратиб бериляпти.

Тан олиш лозим: олий тиббий таълим муассасаларида бакалавриат босқичининг (даволаш иши) 7 йил давом этиши ҳам замон талабларига жавоб бермас, ҳам мазкур таълим учун асосланмаган ҳолда ортиқча маблағни талаб этар, кадрлар таъминотига сезиларли салбий таъсир кўрсатаётган эди.

Президентимизнинг шу йил 5 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2017-2018 ўқув йилидан даволаш иши, касбий таълим (даволаш иши), ҳарбий-тиббиёт иши (даволаш иши), педиатрия иши 6, тиббий-биологик иши 4 ва тиббий профилактика иши 5 йил этиб белгиланди. Эътиборлиси, ҳозирги вақтда "даволаш иши", "касбий таълим" (даволаш иши), "ҳарбий тиббиёт иши" (даволаш иши), "педиатрия иши" бакалавриат йўналишлари бўйича таълим олаётган 2-5-босқич талабалари ҳам таълимни 6 йиллик ўқув дастури асосида давом эттириши кўзда тутилган.

Шунингдек, жорий йилнинг 5 май куни қабул қилинган "2017-2018 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида"ги Президент қарорига кўра, 2017-2018 ўқув йилидан бошлаб мақсадли қабул йўлга қўйилди. Яъни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари буюртмаларига биноан тиббиёт кадрларига талаб юқори бўлган ҳудудлар учун давлат гранти асосида бакалавриат йўналишига қабул амалга оширилди. Жорий йилдаги мақсадли қабул учун бир минг 180 ўрин ажратилган бўлса, кейинги йилларда у янада кўпайтирилиши кўзда тутилмоқда.

Яна бир янгилик: олий тиббий таълим муассасалари битирувчилари дипломида ихтисослик кўрсатилмаслиги оқибатида ички ва ташқи меҳнат бозорида бир қанча муаммолар келиб чиқишига чек қўйилди. Энди тиббиёт олий таълим муассасалари битирувчиларини етакчи хорижий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларда малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш борасидаги дуч келинаётган тушунмовчиликлар бартараф этилади.

Таълимнинг асоси ўқув дастурларига боғлиқ. Ўқув йили қисқаргач, бу ўзгариш дарс соатлари, таълим дастурларига ҳам, албатта, ўз таъсирини ўтказади. Айнан ўқув дастурлари ва соатларининг тўғри ташкил этилиши таълим сифатини белгилаб беради. Қолаверса, талабалар тили билан айтганда, "чет фан"ларнинг кўплиги ҳам бўлажак шифокорнинг ихтисослик бўйича билим олишига сезиларли таъсир қилади.

— Бу муаммони бартараф этиш учун ўқув жараёни комплекс тарзда таҳлил этилди, ўрганишлар натижасида тиббий таълим жараёнида ўқув дастуридаги мавзуларнинг 15 фоизи ва ҳатто ундан ортиғида қайтарилиш ҳоллари мавжудлиги аниқланди, — дейди Ўктам Исмоилов. — Бундан ташқари, бакалавриат ва магистратура босқичидаги ўқув режа ва дастурларда мутахассисликка оид бўлмаган фанларнинг кўплиги ҳам талабаларнинг ортиқча вақтини олиб, ихтисослик бўйича билим эгаллашига сезиларли таъсир этаётганини кўрсатади. Жорий йилдан бошлаб олий тиббий таълимнинг клиникагача бўлган ва клиник фанлар блоклари бўйича ўқув соатлари салмоғи оширилди. Яъни касбий фанлар блоки кенгайтирилиб, ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки 7 фоизгача қисқартирилди. Клиникагача ва клиникага оид фанлар учун соатлар ҳажми 85 фоизгача кўпайтирилди. Таққослайдиган бўлсак, илгари тиббий таълимнинг бор-йўғи 40-50 фоизини асосий мутахассислик фани ташкил қиларди. Эндиликда эса олий тиббий таълимнинг биринчи босқичидан бошлаб, бўлажак шифокорнинг соҳага доир билимларини шакллантиришга кенг имконият яратилди.

Тиббий таълим соҳасида даволаш иши йўналишида ўқиш муддатининг қисқартирилган таълим тизимига ўтилиши, ўқув соатларининг такомиллаштирилиши ва мақсадли қабул йўлга қўйилиши тиббиёт кадрлари етишмовчилигини 15 фоизга қисқартиради, бюджет маблағларининг ҳам мақсадли сарфланишига эришилади, шунингдек, тиббий таълим халқаро стандарт талабларига мослаштирилади.

Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, Президентимизнинг узоқни ўйлаб, тиббий таълимни комплекс ривожлантиришга қаратилган топшириқлари ижроси тиббий таълим муассасалари кадрлари салоҳиятини ошириш, тиббиёт олий ўқув юрти талабаларининг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, ўқув жараёнини самарали ташкил этиш ва пировард натижада юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашга хизмат қилади.

Шифокорлик касбининг ўз машаққати, заҳмати бор. Бемор қалбига, аввало, ишонч, сўнг унинг дардига шифо улашиш чинакам фидойилик демакдир. Шу боис халқимиз саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари давлатимизнинг ҳамиша эъзоз ва эътиборида. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги қонунга асосан, мамлакатимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси тиббиёт ходимлари байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам соҳа вакилларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунасидир. Буни чуқур ҳис этган соҳа вакиллари шифокорлик сари қўйилган илк қадам — талабалик давриданоқ қатъий интизому юксак масъулият билан ишлашни ўзининг кундалик қоидасига айлантиришига ишонамиз.

**Дилроз АБРАЕВА, журналист**

МММда

# 98 МИНГ КИШИ СОҒЛОМЛАШТИРИЛДИ

***Миллий матбуот маркази ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини ошириш йўналишида тизимли ишлар амалга оширилаётир.***

— Бугунги кунда федерация тизимида 17 та санаторий ва 2 та дам олиш уйи фаолият кўрсатмоқда, — дейди Федерация раиси ўринбосари Бахтиёр Махмадалиев.

—Ушбу сиҳатгоҳларда ҳар йили ўртача 125 мингдан ортиқ киши хордиқ чиқариб, соғлиғини тиклямоқда. Уларнинг қарийб 50 фоизига касаба уюшмалари томонидан имтиёзли йўлланма тақдим этиб келиняпти.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида касаба уюшмалари тизимидаги 17 санаторийда қарийб 98 минг нафар киши соғломлаштирилди. Улардан 42 мингга яқини имтиёзли, 13 мингдан зиёди бепул йўлланмалар асосида дам олиб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади. Хусусан, кўп болали, кам таъминланган ҳамда республикамизнинг чекка ҳудудларида яшовчи 314 оёл, 130 тиббиёт, 137 олий таълим муассасалари ходимлари, 164 ёш оила аъзолари бепул йўлланмалар билан соғломлаштирилди.

Федерация тизимдаги санаторийларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратаётир. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Термиз шаҳрида жойлашган "Термиз марвариди" санаторийсининг I босқичдаги 75 ўринга мўлжалланган бино қурилиши тўлиқ якунланиб, фойдаланишга топширилди. Мазкур санаторийнинг II босқичида 75 ўринга мўлжалланган бинони таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. Жиззах вилоятидаги "Зомин" санаторийсида жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 132 ўринли "Она ва бола" бўлими биноси барпо этилди. Тошкент вилоятидаги "Оқ-Тош" санаторийсида 66 ўринли ётоқхона биноси, "Умид гулшани" санаторийсида янги ошхона ва маданият саройи қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Тадбирда касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тизимдаги санаторийларни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, махсус кафедралар ташкил этиш, тиббиёт туризмини ривожлантириш, янги ишлаб чиқилган даво усулларини кенг татбиқ этиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумотлар берилди. Журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

**Нигора НИШОНБОЕВА, "Milliy tiklanish" мухбири**

Хиёбон

# "ШУНЧАКИ ЁЗМОҚ БУ — ШОИРГА ЎЛИМ..."

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА БИЛАН СУҲБАТ

**< Давоми.**
**Бошланиши 1-бетда.**



**— Ҳалима опа, Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда юртимиздаги бугунги ижодий муҳит ҳақида тўхталиб, бу жараёнда сизнинг алоҳида ўрнингиз борлигини таъкидлаб ўтди...**

— Тўғри айтасиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жамиятимиз "тафаккури эгалари" билан бўлган самимий мулоқоти биз ижод аҳли учун том маънодаги тарихий учрашув бўлди. Қисқа муддат ичида ҳаётимизда, жумладан, адабий ҳаётимизда шу қадар кўп янгиланиш ва воқеалар юз бердики, уларни кузатиб, ўзингни кундан-кун баланд учаётган қушдек ҳис қиласан. Бугун юртимизда адабиёт ва ижодкорнинг қадри баланд. Бу эъзоз, эътибор ва эҳтиром, албатта, ўз маҳсулини кўрсатади. Ростдан ҳам, қайси миллат адабиётсиз ривожлана олади? Мен бугун ижод аҳлига кўрсатилаётган эътиборни қайта-қайта таъкидлашдан чарчамайман. Чунки кун сайин, соат сайин ижодкорларнинг жойи пойгакда эмас, юракларнинг энг тўрида эканига мисоллар кўпайиб бормоқда. Пойтахтимиз марказидаги Миллий боғимизнинг Адиблар хиёбонига айлантирилиши, устоз шоирларимиз ҳайкалларининг бир гулшанда жамланиши, халқимизнинг севимли шоирлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов номларини абадийлаштириш борасида қилинган хайрли ишлар фикримизга исбот бўла олади.

Замон шиддати шу қадар кескинки, бугун бир дарахт экиб, ҳосилини йиллаб кутиб ўтирмайсиз. Бир ниҳол қадасангиз, тезда ҳосил ейдиган замонлар келди бугун. Шу маънода ислоҳотлар ҳам мана шу ниҳоллар каби тез натижа бериши аниқ. Ахир миллат руҳини тарбияловчи, ўсиб келаётган ёш авлодни аждодларга муносиб қилиб тарбияловчи куч бу — адабиётдир.

Давлатимиз раҳбари билан учрашувдан сўнг бугун биз ижодкорларнинг жипслашиб, бирлашиб улуғ ишларни амалга оширадиган, бетакрор ижодий асарларни яратадиган вақтимиз келганини янада теран англадим. Биз ижодкорлар тарқоқликни енгмоғимиз, даҳо халқимизнинг жавоҳирлари бўлган ёш ижодкорларимизни Президентимиз таъбири билан айтганда, "катта адабиётга қўйган қадамлари қутлуғ келишини" таъминламоғимиз зарур.

**— Шоирлик – қисмат, тақдир, пешонадаги битик. Яратган бундай ноёб истеъдод ва салоҳиятни ҳаммага ҳам ато этавермайди. Яъни, бадиий санъатда фавқулодда истеъдод ўз-ўзидан юзага келмайди. Қонда бўлгандирки, суяк сурган. Шу маънода болалик хотираларингиз муштарийларимиз учун жуда қизиқ...**

— Кечагидек ёдимда: отам Умматқул Худойбердиев оғайни-дўстлари билан тонготар кечалар ўтказиб турарди. Улар Навоий, Фузулий, Бедил, Бобур каби шоирларнинг шеърларини, турли достонларни ўқишарди. Асосан, отам ўқирди. Ёп-ёруғ чироқ, сандал атрофидаги бу кечалар алламаҳалгача чўзилиб кетар, мен кўпинча отамнинг пинжида ўтириб, ухлаб қолардим. Отамнинг достон ва шеърларни қироат билан жарангдор ўқиши, атрофдаги одамларнинг таъсирланиб, таҳсинлар айтиб ўтириши ҳеч ёдимдан чиқмайди.

Мен достонлардаги ҳар елкаси бир элни кўтариб бораётган саман отлар, "енгилсанг ўлдираман, енгсанг, хотин бўламан" шарти билан кураш тушган маликалар маликаси Зуфунун ва уни енгган паҳлавоннинг борлигига ишонардим. Онаизорим Қаршигул Хонназар қизи пахтачилик бригадасини бошқарар, кўчада юмушлари бошидан ошиб ётишига қарамасдан, уйда ширмак қуриш, олача, патгилам тўқиш, жияк, гоҳи ироқи дўппи тикишга ҳам вақт топарди.

Болаликда ҳайратнинг кўзлари катта-катта бўларкан. Худди кечагидай кўз ўнгимда: онам оқшомлари қарсиллатиб қилич солиб пат тўқир, мен у кишининг ёнида ўтириб, басма-бас патнинг турини чалишардим. Гилам гулининг бирор жойи бузилмай чиқаётганини кўрган онам "Ўзимнинг чевар қизим" деб, пешонамдан ўпиб қўяр, борди-ю кўнгилларингиз ийиб кетса, бошидан кечирган воқеаларни ҳам айтиб берарди. Кўп асарларим, жумладан, китобларга кирган "Бир ўрим соч тарихи", "Сайрам бахшининг айтганлари", "Ҳиндукушдан нола келди", "Илинж" достоним айнан онам бошидан кечирган воқеалар асосида битилган.

Онаизоримнинг мунглиғ-мунглиғ хиргойилари кўнглимни ўртар, кўзимга ёш тўлиб келаётганини сезмай қолардим. Онамнинг ғамангизлиги бесабаб эмасди. Ўз туққан онам — Шарофат Хонназар қизининг бевақт, авж гуллаган 35 ёшидаги вафоти ҳолам Қаршигул Хонназар қизини қаттиқ изтиробга солган ва табиийки, бу ғам менинг мурғак юрагимда ҳам илдиз отиб улгурган эди. Ўз онам пахта даласидаги ўқ арикдаги дориланган сувни ичиб заҳарланиб, икки кунга қолмай вафот этганлар. Мен ўшанда икки ёшда эдим. Волидам қазо қилганининг эртасигаёқ ҳолам мени ўзини "она" дейишга ўргатиб, ўз тарбиясига олган экан. Опа-сингиллар — онам ва ҳолам ака-укаларга отам ва амакимга турмушга чиқишган экан.

Онамнинг тўқ кўк рангли оти бўлиб, пешонасида катта оқ қашқаси бўларди. Шунинг учунми унинг номи "Ола қашқа" эди. Отнинг кўзлари шундай ақлли эдики... Кейин мен умрим давомида бундай отни бошқа учратмадим. У ҳақиқатан ҳам шундай бетакрор хушсурат отмиди, ё бу менинг болалик тасаввуриммиди, билмайман... Шунинг учун ҳам биринчи шеъримни 7-синфда ўқиб юрганимда шу отимизга бағишлаб ёзганман ва у шеър туман газетасида босилган.

Қишлоқда нима кўп — иш кўп. Кундузлари мактабга, пиллага, далага, пахтага... – хуллас, тиним билмасдик. Кечаси ёзишга одатлангандим. Тарки одат — амри маҳол. Ҳанузгача, асосан, тунда ишлайман. Гарчи уйқусизлик соғлиққа зарар эканини билсам-да, бироқ тунда маза қилиб ишлайман. Ҳар қалай, тунда ҳеч ким сизга халақит бермайди. Мактабда ўқиб юрган вақтимда ҳам ярим кечасигача ўтириб ёзаверардим. Бу ҳол онамнинг жаҳлини чиқарар, хонанинг чироғини ўчириб, мени ётишга буюриб чиқиб кетардилар. Шундай пайтларда онамнинг ухлаб қолишларини кутиб ётардим. Шу ётишда хаёлимда бир-икки шеърни тўқиб қўярдим-да, кейин секин туриб қоғозга туширардим. Чироқнинг яна ёнганини кўрган онам тағин келар, энди ётиб ухламасам отамни уйғотишини айтиб қўрқитарди. Мен Евгений Евтушенко айтган "Саросар солади қувончлар енгил, куйиниб қараган ғусса барқарор"лигига қаттиқ ишонаман. Демоқчиманки, муҳитда гап кўп.

Йилдирим йиллар бир-бирини қувиб шу алпозда ўтаверди. Мактабни тамомлаб, бетакрор талабалик йилларим бошланди. Журналистика факультетининг биринчи курсида ўқиётганимда "Илк муҳаббат" номли китобим чоп этилди. Бу китоб шунчалар катта меҳр-муҳаббат билан кутиб олиндики, бунинг учун мухлисларимдан, айниқса, университетдаги устозларимдан миннатдорман. Уларнинг бир ютуғимга ўн ютуқ қўшиб айтган мақтовлари, баъзан имтиҳон пайтлари Расул Ғамзатов, Сильва Капутикьян ёки Эдуард Межелайтисдан ё Белла Аҳмадуллинадан бирорта шеър ўқитиб, имтиҳон дафтарчамга "5" баҳо қўйиб беришлари мени қанотлантириб юборарди. Абдуғафур Расуловнинг санъаткорларга хос нутқ санъати ҳаммамизни ром этиб қўярди. Баъзан дарслардан қочиб кетган пайтларимиз ҳам у кишининг дарсига қайтиб борардик.

У вақтларда шеърият кечаларига одамлар оқиб келар ва биз ҳам бу анжуманларга байрамга бораётгандек шошилиб борардик. Адашмасам, бу йилларда "Минбар шеърияти" даври бошланиб келаётган эди. Москвада Евгений Евтушенко, Роберт Рождественский, Белла Аҳмадуллина, Андрей Вознесенский каби "рус виждони"га айланиб улгурган шоирлар саҳнада икки-уч соатлаб шеър ўқир, уларнинг сўз айтиш жозибаси, воизликларига маҳлиёлик кундан-кун ортар ва бу ҳолатнинг таъсири бизнинг юртимизда ўтаётган учрашувларда ҳам сезила бошлаган эди. Биз Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Омон Матжон каби шоирлардан соатлаб шеър эшитишдан чарчамасдик. Ўз навбатида, улар ҳам шеър ўқишдан толмасди.

"Бу шоирлар дарёларга ўхшайди, — деганди университетдаги бир учрашувда атоқли адабиётшунос Бегали Қосимов. — Гуррози, шиддатли ғалаёнлари бошқа-бошқа дарёларга. Асов дарёларга". Бу ҳақда адабиётимизнинг толмас, оташнафас тарғиботчилардан бири Ҳамид Сулаймондан яна бир таъсирли гап эшитгандим. "Сизлар ҳозир жуда гуркираб етилиб келдиларинг. Худди буғдой бошоқларидай. Шундай етилиш жараёнларида ҳар хил воқеалар ҳам содир бўлишини биз кўрдик, сизлар кўрманглар. Илоҳим, сизларни Худо ўз паноҳида асрасин". Адабиёт музейида (у киши музей директори эдилар) улуғ домламизнинг 3-курс талабаси билан шу қадар жиддий, самимий суҳбат ўтказганлари бир умр ёдимда қолган.

Менинг Тошкентга келиб қолишимга буюк давлат арбоби ва атоқли адиб Шароф Рашидов сабаб бўлган. У киши Сирдарёга борганларида "Сирдарё ҳақиқати" газетасида менинг шеърларимни ўқиб, ўша йиллардаги вилоят ҳокими Носир Маҳмудов ва газета бош муҳаррири Исмоил Сулаймоновга отам билан гаплашиб, мактабни тугатганимдан сўнг мени (унда 9-синфда ўқирдим) Тошкентга ўқишга юборишларини тайинлаб кетган эканлар. Кейинчалик бу ҳақда Исмоил Сулаймонов ўз китобларида батафсил ёздилар. Тошкентда азиз устозларим Миртемир ака, қадрли Зулфия опа, Комил Яшин каби миллатимизнинг фахр-ифтихорига айланган одамлардан кўп меҳр-мурувватлар кўрдим. Ишлаш, яшаш сабоқларини олдим. Аллоҳга шукрки, менга ана шундай устозлардан таҳсил олиш саодатини берди. Шунинг учун ҳам Тошкент ва Москвада таҳсил олган йилларим ҳаётимнинг энг ёрқин фасллари бўлиб қолди.

**— Суҳбатларингиздан бирида "Бир мартада шеър ёзаман", деган эдингиз. Шеърларингизни нега таҳрир қилмайсиз? Бетакрор ижод намуналарингиз балки таҳрирдан кейин бундан-да мукаммал асар бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрганмисиз?**

— Шунча йилдан бери ижод қилиб келяпман-у, аммо шеърнинг нима эканлигини ҳалигача англолмайман. У мен учун доимо сир бўлиб келган. Балки шуниси ҳам маъқулдир. Сир бўлиб қолган нарса инсонни доимо жалб қилаверади, ўзидан нари кетказмайди. Балки шеърнинг аслида нима эканлигини билганимда қўлимга қалам олмаган бўлармидим...

Шеър қачон яралади? Буни ўзим ҳам билмайман. Шундай вақтлар бўладики, кун бўйи мутлақо бошқа хаёллар билан юраману, иш столимга келиб ўтиргач, сатрлар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Фақат шуни биламанки, қачонки шеър ёзмоқчи бўлсам, албатта ёзаман.

Биласизми, бизни ўраб турган жамики нарсаларга атаб шеър ёзиш мумкин. Бу фақат ижодкорнинг қўлидан келади. Сабаби, у ўша нарсани умуман бошқа ҳолатда кўриши, бошқалар илғаши мумкин бўлмаган қирраларини очиб бериши мумкин. Аслида ҳеч бир шеър изтиробларсиз, қийноқларсиз дунё юзини кўрмайди. Шеър бу инсон руҳий ҳолатини, яъни, чинлик, ҳақлик жиҳатларини очиб берувчи бир восита. Шоир кўнгил ичида эркин, ҳеч қандай таъсирларсиз ижод қилаяптими, унинг таъсирчан шеърлари юзага келади.

Саволингизга келсак, шеърларимни таҳрир қилишга одатланмаганман. Чунки бунда лаҳза қудрати бор. Балки таҳрир жараёнида дастлабки мазмунига жиддий таъсир кўрсатади, деб ўйласам керак. Дастлабки қоғозга тушгани қалб ҳайқириғи билан ёзилади.

**— Атоқли шоир Муҳаммад Юсуф "Шоирлар Худонинг эркатойлари" деган эди. Сизнингча шоир ким?**

— Шеърият боғи ҳеч қачон бир-икки шоирнинг хос боғи, хос майдони бўлиб қолмайди. Ҳамиша шоирлар кўп, лекин улар орасида ҳақиқий истеъдод билан сийланганлари бармоқ билан санарли бўлган. Шоирлик халқимизнинг содда ибораси билан айтсак, "чидаганга чиқарган" иш, қисмат.

Шоирлик умрбод қувонч қўшиқларини "яллама ёрим, яллола" ёки "ҳай-йу, читтигул", деб баралла куйлаб юриш дегани эмас. "Гул"ни "булбул"га кофия қилиб кун кўриш ҳам эмасдир бу.

Бугунги ижодкорларимиз ижодини кузатиб, уларнинг дарди, изтироби куюк бўлганларини, Шавкат Раҳмон ибораси билан айтганда, "Ғам



сўзини элидан олдин, бахт сўзини элидан кейин" айтиб юрганларини қадрлайман. Уларни шоир дегим келади. Шоирлар учун ўзгармас қоида ҳам шу. Яъни элининг бахтини саодатим, қайғусини изтиробим, деб билган шоирлар учун ўткинчи булутдек ёниб-ўчишлар кам бўлади. Шоирнинг энг улкан фазилати — турланмаслик. Шоир сўз гулзорида турфалансин, гўзал ва хилма-хил сатрлар айтсин, лекин моҳиятан турланмасин дейман. Шунда ҳақиқий шоир бўлиб, қадр топади.

**— Шеърларингизни адабиётшунос олим ва танқидчилар танқид қилганми? Танқидга муносабатингиз қандай?**

— Адабиёт майдонида қанча мақтов эшитган бўлсам, танқидга ҳам ўшанча тайёр турганман ва ҳануз тайёрман. Ҳаёт йўлимда, асосан, Пушкиннинг қуйидаги сатрларига амал қилиб яшайман:

***Лоқайд қабул этавер***
***мадҳу туҳмат барисин.***

Ҳозир танқидчиларимиз учун манба кўп. Улар шоиру ёзувчиларимизни аяган ҳолда ҳаракатланаётгандек, назаримда. Лекин бугунги адабиёт учун таъбир жоиз бўлса, "Қаҳророна қаҳр ҳам керак". Яъни Абдулла Қаҳҳорнинг адабий ўгитларидаги каби қаттиққўллик билан ёндашиш ҳам яхши самара беради. Шеърнинг ҳақиқий таҳлилини мен рус адабий танқидчиси Белинский асарларида кўрганман. Улар ҳеч кимга оғишмай, бировни сийпаб, бировни ҳақоратлаб қилинган таҳлиллар эмас, балки ҳақиқий маънодаги адабиёт тақдирини ўйлаб қилинган таҳлиллардир. Бугун кўпроқ "шоу бизнес" шоирлари танқид объектига айланаётгани мени ташвишга солади. Тўғри, уларнинг ҳам шеърият гулзорига бир оралаб қолишига, билганини қилишига йўл бермаслик лозим. Бироқ биз ўша қофиябоз шоирнамоларнинг аслида адабиётга дахли йўқлигини исботлашимиз учун ҳақиқий иқтидор соҳибу соҳибалари бўлган шоирларимизни халқимиз юрагига яқинлаштиришимиз, уларнинг ижодини ҳолис таҳлил қилишимиз лозим. Бугун танқидчиларимиз ҳақиқий иқтидор эгаларининг ёзганларини гўёки кўрмаётгандек. Танқидчи фақат танқид қилмайди, у шоирнинг имкониятларини халқимизга кўрсатиб ҳам беради. Шу маънода холислик бўлса бас, бизда иқтидорли танқидчи ҳам, шоир ҳам бор.

**— Яхши шеър ва мусиқа бирлашса, бетакрор қўшиқ юзага келади. Аёл тимсоли улуғланган шеърларингиз орасида "Муқаддас аёл" қасидаси ва унга яратилган қўшиқ юртдошларимиз қалбидан тилига кўчган, кўнглидан чуқур жой эгаллаган. Демоқчиманки, "Муқаддас, аёл" қўшиғининг бу қадар оммалашиб, севимли бўлишида унинг сўзлари алоҳида аҳамиятга эга.**

— Менга "Муқаддас аёл" шеърининг ёзилиши борасида кўп саволлар берилади. Қолаверса, бу шеърни, кўпчилик аёллар учун ёзилган гимн ҳам деб аташади. Лекин айнан шу шеъримни танқид қилган, танқиддан кўра таҳқир қилганлар, унга тош отганлар ҳам кўп эди. Мен-ку анча осойишталик билан шеъримга берилаётган эътирофга ҳам, эътирозга ҳам кам парво қиламан. Яқинларим бу шеърга бўлган мақтовларни, ёғдирилган эътирозларни айтиб қолишади, баъзан. Шу ўринда танқидчиларимиз ўрнини эгалламоқчи бўлган ўзбилармон таҳлилчилар-таҳқирчиларга кунимиз қолмасин, демоқчи эдим. Бу шеър ҳар бир аёлнинг босиб ўтадиган йўллари, кечирадиган туйғулари, муҳаббат шавқи, ёшликнинг ҳарорати, аёл бошига тушадиган савдолару гўзал ҳиссиётларни ўзида жамлагани учун ҳам эҳтимол халқимизга ёд бўлиб кетгандир. Оддий қилиб айтганда, аёл таърифини ўзимда яшаган туйғулар билан ёзганим учун балки юракларга тезроқ кириб боргандир...

**— Бугунги шеъриятга, ёш шоир ва шоиралар ижодига муносабатингиз қандай?**

— Бугун биз билмаган истеъдодлар, иқтидорлар юртимизнинг чекка-чекка жойларида юзлаб топилади, десам муболаға қилмаган бўламан.

***"Аёнсан ҳеч қиё боқмайди олам,***
***Хавотир бунда ҳар айём олурман",*** — дейди Бедил. Адабиётга ҳам қанчалик аёнлигингизни кўрсатманг, парво қилишмаса, қиё боқишмаса, ҳаммаси бекор. Шундай экан, чарақлаб чиқаётган ҳар бир истеъдодли ижодкорга эътиборли бўлиш, кўчоқ очиб кутиб олиш даркор. Аксинча, шошти қайтарилса, бошқа қўлига қалам олмаслиги мумкин. Биз шундан эҳтиёт бўлишимиз керак.

Мустақиллик йилларида ўзига хос услуб билан адабиётимизга кириб келган ҳар бир ижодкорни ёддан биламан, исмлари-ю ижодининг ёркин қирраларини ҳам хотирамга нақшлаганман. Эшқобил Шукур, Салим Ашур, Зебо Мирзо, Ҳалима Аҳмедова, Рустам Мусурмон ва бошқаларни ўқиб, юрагим ҳапқириб, шеъриятимизнинг эртасидан кўнглим хотиржам топганларини эслайман. Эшқобилнинг "Меҳр бу суннатдир, меҳр бу фарздир, Сизни Худо суйсин менинг суйганим", Салимнинг "Қордек эриб кетсам агар, Сизга зарра қилмайди кор", Зебонинг "Худо сени менга — хатога берди, Сен мени кимларга бердинг, азизим", Ҳалиманинг "Юрагимга бокдим ёнар лолазор, Кенг дунёга бокдим — ғалвали бозор", Рустамнинг "Гул экурман жаҳона гулзор ўлмагунча, жон чекурман жонона дилдор ўлмагунча" каби сатрлари хотирамдан ўчмайди.

Кейинги йилларда ҳам шеъриятимизга тоза бир эпкинлар олиб кирган бир гурух ёшларнинг ижодини кузатдим. Гулондом Тоғаева, Фарҳод Арзиев, Нурулла Нарзуллаев, Нодир Жонузоқ, Гулжамол Асқарова, Гулноз Мўминова, Муҳиддин Абдусамад сингари ижодкорларимиз менинг суюмли шоирларим рўйхатида туради. Севимли шогирдим Гулжамол Асқарова бир шеърида "Бир чумоли мисоли дон учун чиққан эдим, донни не қиладию, мени не қилар Тангрим" дейди. Мана шундай истеъдодли ёшларимизнинг қалами қўлларидан тушмасин, йўли равон бўлсин, дейман.

Мана шундай ижодкорлар ижоди билан бугунги шеъриятимизга баҳо бераман. Янаям кейинроқ шеъриятга кириб келаётган ижодкорлар ижодини ҳам кузатиб бораман. Лекин уларнинг орасида қаламни маҳкам тутиб, қаттиқ тартиб-интизом билан ишлаётганлари, шеърни моҳиятга айлантирганлари камроқдек. Инсон шеъриятга ўзини бахш этолсагина унинг машаққатли йўлига кириши керак. Жонини аяган одамга бу майдонда саодат йўқ. Бу йўлда фидолик керак. Биз қанча муҳокама қилмайлик, замонлар ўз шоирларини яратади, даҳоларни туққан халқ яна даҳоларни дунёга келтираверади.

**"Milliy tiklanish" мухбири**
**Шоҳида ДАМАНОВА суҳбатлашди.**

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## КЎП УХЛАШ — КАСАЛЛИКМИ?



Бош мия тўқималари қўзғалиш ва тормозланиш хусусиятига эга. Одам уйғоқлик пайтида мия ҳужайралари кўп марта қўзғалади. Ҳар бир ҳужайра, ҳар қандай тўқима иш фаолияти вақтида жуда кўп куч-қувват йўқотади. Уларнинг фаолияти узоқ давом этиши учун сарфланган қувват ўрнини тўлдиришга эҳтиёж сезилади. Мия чарчаганда уйқу келади. Уйқу пайтида куни билан хизмат қилган ҳужайралар яна қўзғалиш учун куч-қувват тиклайди. Демак, туни билан мириқиб ухлаб турган одам ўзини енгил, янги меҳнат куни учун куч тўпланганини ҳис этади.

Тиббиётда уйқу жараёни бузилиши билан кечадиган касаллик нарколепсия, деб аталади. Бу дардга чалинганларни оддий қилиб, уйқучи, дейишади. Касаллик хуруж қилганида одам ўта даражада ҳолсизланиб қолади, бирдан кучли уйқу босади. Бундай пайтда қанча вақт ухлангани аҳамиятсиз бўлиб қолади. Нарколепсияга чалинган беморлар кутилмаганда ҳар қандай вазиятда ҳам уйқуга кетиши мумкин. Бу касалликка чалинган одамлар аслида ўзларига нима бўлаётганини мутлақо англашмайди.

Нарколепсия бош мия, аниқроқ айтсак, бош миядаги уйқу ва тетиклик ҳолатларини назорат қилувчи марказлар фаолиятидаги патологик (нуқсонли) ўзгаришлар оқибатида юзага келади. Аксарият ҳолларда нарколепсия кундузги вақтда ҳаддан ташқари уйқуга берилиш, катаплексия (кутилмаганда тана мушаклари таранглигининг кескин пасайиб кетиши), уйқу вақтидаги "фалажланиш" (уйқу вақтида мутлақ ҳаракатсизлик ҳолатининг ҳис этилиши; физиологик жиҳатдан ҳақиқий фалажликка ўхшаб кетади, аммо узоқ вақт давом этмайди) каби аломатларни намоён этади.

Нарколепсияга чалинган одамлар ўзини кундузи тетик ҳис қилмайди, тунги вақтда мириқиб ухлай олмайди. Беморлар аксарият ҳолларда предметларнинг иккига ажралиб кўриниши, диққат-эътиборини жамлай олмаслиги, хотирасининг йўқолиши, бош оғриғидан шикоят қилишади.

Бундай аломатлар кузатилиши билан, албатта, шифокорга мурожаат қилиш лозим. Шифокор, авваламбор, беморда бошқа (йўлдош) касалликлар бор-йўқлигини аниқлайди. Шундан кейин сомнолог (уйқу бузилиши ва унинг физиологияси бўйича мутахассис)га бориш тавсия этилади. Нарколепсия деган ташхис қўйилса, касалликнинг қай даражада кучли ривожланганлигини аниқлаш учун полисомнография ва MSLT тест (уйқу жараёнларининг бузилишини аниқлашга имкон берувчи махсус синов тури) амалга оширилади. Полисомнографияни амалга ошириш учун бемор тунни сомнологик лабораторияда ўтказиши керак. Бундай шароитда биринчи куни беморнинг бош қисмига махсус электродлар жойлаштирилиб бош мия, юрак ва кўз соҳасидаги функционал жараёнлар кузатилади. Синовларнинг иккинчи кунида MSLT тест ўтказилади. Бунинг учун кундузги вақтда шифокор-мутахассислар кузатувида ҳар икки соат ичида қисқа муддатга уйқуга кетиш таклиф қилинади. Мазкур тест ёрдамида ҳар бир кишининг ухлаш хусусияти (тиббий тилда айтганда уйқунинг паттерни) кузатилади.

Ҳозирча нарколепсияни тўлиқ даволашнинг имкони йўқ. Бироқ ушбу хасталикнинг клиник кечишини назорат қилиб бориш ва унинг оқибатларини нисбатан юмшатиш йўллари мавжуд. Амалда нарколепсияга чалинган беморларга комплекс тарзда даволаниш, турли дори-дармонлар ичиш тавсия этилади. Хастанинг яқинлари, ҳамкасблари билан профилактика-тушунтириш ишлари олиб борилади. Тавсия этилган дори-дармонлар кундузги уйқучиликни, уйқунинг бузилишини бартараф этиш ёхуд уларнинг оқибатларини нисбатан юмшатишга йўналтирилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

**Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши партия фаоли, халқ депутатлари Хазорасп туман Кенгашига ЎзМТДП дан сайланган депутат

**Абдулла МАТЧАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1116, Адади — 4850. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ
**Навбатчи:** Нигора НИШОНБОЕВА
**Саҳифаловчи:** Жалолиддин ЎРИНОВ
**Электрон почта:** e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 21.37. Топширилди — 22.50.
ISSN 2010-7714
1234